Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 21-may, №23 (580)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

БАҚҚОН ТУТГАН ҚИЗАЛОҚ

Биз билган ва билмаган миллий урф-одатларимиз ҳар бир замонда қайта сайқаллансин, миллат бойлиги, тарихнинг бўлаги — зарраси сифатида биздан кейинги авлодларга ҳам ўтаверсин. Маънавий мероси йўқ миллат ҳам миллат бўлмаслигини унутмайлик.

⇨ 3-бет

ЗАРАРЛИ БИОТЎЛҚИНЛАР

Олимларнинг таъкидлашича, одам танаси мунтазам равишда атрофга биотўлқинлар тарқатиб туради. Фақат энг замонавий асбоб-ускуналар ёрдамидагина уни пайқаш, сезиш ва ҳатто... кўриш мумкин экан!

⇨ 7-бет

ЗИЁ ИСТАБ ЗИЁРАТГА ЧОҒЛАНДИК



Бу маскан гўзал табиат манзаралари билан ҳам зиёратчиларга хуш ёқса ажабмас. Қадамжо Китоб тумани ҳокимлиги томонидан қайта таъмирлангач, бугунги дилтортар кўринишга эга бўлгани аён.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги Пленуми бўлди. Унда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасини янада либераллаштириш бўйича белгиланган вазифалар нуқтаи назаридан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.**

■ "Ўзэкспомарказ"да анъанавий Миллий дастурий маҳсулотлар кўргазмаси ва дастурчиларнинг биринчи «BestSoft – Uzbekistan-2008» Миллий форуми очилди. Тадбирлар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда БМТ Ривожланиш дастурининг "АКТ сиёсати" (ICTP) лойиҳаси томонидан ташкил этилди.

■ **"ЛУКОЙЛ Ўзбекистон оперейтинг" операция компанияси Ховузак конидан дастлабки бир миллиард куб метр газни қазиб олди. Режалаштирилган 23 та газ қазиб олувчи қудуқнинг 15 тасини босқичма-босқич ишга тушириш қазиб олиш ҳажмини оширишга имконини берди. Яқинда 16-қудуқ фойдаланишга топширилди, яна учта қудуқда бурғилаш ишлари давом этмоқда.**

■ **Пойтахтимизда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат (Ғулом Алимов) хотирасига бағишланган кеча ўтказилди.**

■ Тошкентда "Тасвир. Нур. Овоз – 2008" кинематография, овоз ёзиш ва телерадио узатиш соҳасидаги жиҳозлар ва хизматларга ихтисослашган иккинчи халқаро кўргазма очилди. У «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекфильм» киностудияси, «IEG Uzbekistan» кўргазма компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

■ **Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан биргаликда «Экин майдонларидан самарали фойдаланиш масалалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Гўзаллик, камолот ва шижоат намойиши

17-20 май кунлари Қорақалпоғистонда мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари финал босқичи кўтаринки руҳ ва зўр уюшқоқлик билан ўтказилди.

Қорақалпоқ замини тўрт кун давомида юртимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларидан келган минглаб ўғил-қизларнинг баркамоллигига хизмат қилувчи ажойиб спорт шодиёнасига мезбонлик қилди. Мамлакатимизда тўртинчи маротаба уюштирилган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ёшларимизнинг шижоати ва иқтидори, маҳорат ва имкониятларини яна бир бор синовдан ўтказди. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли оммавий спорт тизимининг ўрта бўғини саналган ушбу нуфузли мусобақа қизғин ва мурosасиз курашлар, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик руҳида ўтди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов "Баркамол авлод" спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригида "**Бу мусобақалар нафақат спорт майдонларида, балки ҳаётдаги интилишларида ҳам ёшларимизнинг парвозига қанот беради, уларни иродаси мустаҳкам, эл-юртига садоқатли, Ватан шарафини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади**", — деб алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, ана шундай эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган мазкур спорт мусобақаларининг дастлабки босқичларида мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларининг 700 мингдан зиёд ўқувчилари иштирок этганди. Улар орасидан сараланган энг чаққон ва энг кучли ўғил-қизлар Нукусда ўтказилган "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ўн иккита вилоят шарафини ҳимоя қилиш бахтига мушарраф бўлдилар. Бу йилги мусобақаларда икки мингдан зиёд ўқувчи-спортчи волейбол, футбол, стол тенниси, кураш, сузиш, теннис, белбоғли кураш, шоҳмот, енгил атлетика, қўл тўпи, баскетбол ва бадиий гимнастика сингари спорт турлари бўйича ўзаро куч синашишди.

Суратда: "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларининг олтин медаль соҳибаси Камила Тўхтаева.

Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари халқаро талаблар асосида тўлиқ реконструкция қилинган "Турон" спорт мажмуасида ўтказилди. Нукус, Тахиатош шаҳарлари ва Хўжайли, Кегайли туманларидаги ўн учта йирик спорт иншоотлари эса юртимиз ёшларининг қизғин ва муросасиз баҳсларига мезбонлик қилди. Гарчи улар майдонда ўзаро рақиб бўлишса-да, тенгдошларининг ҳурматини ҳам ўз ўрнига қўйишди. Учрашувларда қандай натижа қайд этилишидан қатъи назар баҳслардан сўнг биргаликда эсдаликка суратларга тушдилар. Турли вилоятлардан келган ўғил-қизлар бир бинода аҳил яшаб, янги-янги дўстлар орттиришди.

— Юртимиз ёшларининг энг нуфузли мусобақаларидан бири "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари машъаласини ёқишдек бахт менга насиб этганлигини катта шараф деб биламан, — дейди кураш бўйича жаҳон чемпиони Низомиддин Хўжабоев.

Беллашувлар натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Уларга энг юксак мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси тақдим этилди.

Иккинчи ўрин Тошкент шаҳри, учинчи ўрин Фарғона вилояти ёш спортчиларига насиб этди.

Стадионга йиғилганлар "Баркамол авлод — 2008" ўйинларида ғолиб чиққан жамоаларга тақдим этиладиган Президент совринлари — "Дамас" автомобилларини гулдурос қарсаклар билан қарши олди. Уларга давлатимиз раҳбари номидан ушбу машиналар калитлари топширилди.

Мусобақаларда алоҳида маҳорат, ғалабага интилишини намоён этган жамоалар ва спортчилар ташкилотчиларнинг махсус совринлари билан тақдирланди.

"Баркамол авлод — 2008" ўйинлари байроғи туширилди. Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси байроқни коллеж ва лицейлар ўқувчиларининг келгуси мусобақасига мезбонлик қиладиган Сурхондарё вилояти вакилларига топширди.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниёзов иштирок этди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

■ ТААССУРОТ

Сафардаги ўйлар

Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳаким умрининг қирқ беш йилини вақтли матбуотга бағишлаган. Ҳозир ҳам у журналистлар сафида. Яқинда оқсоқол журналист бир гуруҳ ҳамкасблари билан Қашқадарёга сафар қилди, вилоятдаги таҳририятлар, қаламкашлар билан суҳбатлашди, бу ерда матбуотга бўлган катта эътибордан мамнун бўлди. Журналистнинг ушбу мақоласида ана шу сафар давомидаги таассуротлар ҳамда Фарғона вилояти матбуотига доир айрим фикр-мулоҳазалар қаламга олинади.

Журналист аҳлининг табиати, турли тақдирлар, воқеа-ҳодисаларни билишга ўчлиги, ҳақиқат топталган жойда адолатни қарор топтиришга интилиши кўпчиликка маълум бўлса керак. Шунинг учун ҳам журналист кўп нарсани билиши, ўзидан икки энликкина бўлсаям баландроқ турган ҳамкасбларидан ўрганиши шарт. Кейинги икки-уч йилда турли вилоятлар журналистларининг гоҳ пойтахтимиз матбуотчилари, гоҳо узоқ-яқин вилоятлардаги ҳамкасблари ҳузурига бориб, тажриба ўрганаётганликлари яхшигина наф келтираётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мана шундай борди-келдиларнинг ташаббусчиси Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими (раҳбари Муҳаммаджон Обидов) десак, хато бўлмас. Бўлим атрофига уюшган неча ўнлаб журналистлар кейинги қатор йиллар ичида республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган вилоятлари, пойтахтимиз Тошкент матбуотчилари ҳузурида бўлдилар. Пешқадам ҳамкасбларининг ибратли тажрибаларидан баҳраманд бўлиб қайтдилар. Бу нарса ўз самарасини бермай қолмади.

Шу йилнинг май ойи ўрталарида фарғоналик бир гуруҳ журналистлар Қашқадарёга ижодий сафар билан бордилар. Тўғри, бунгача қашқадарёлик ҳамкасбларимиз худди шу ниятда Фарғонага ташриф буюрган эди. Бу ижодий "юриш" ҳамкасбларимизда илиқ таассуротлар қолдирганлигини улар ёзган қатор-қатор мароқли мақолалар, публицистик чиқишлар ва телекўрсатувларда ўз аксини топганини кўриб, мамнун бўлдик, албатта.

Лекин гап бир-биримизни қалам воситасида мақташ, кўкларга кўтаришда эмас. Аксинча, шиддат билан ривожланаётган ахборотлар асрида соҳа сир-асрорларини мукаммал билиш, матбуот ва оммавий ахборот воситалари билимдони бўлишда, деб ўйлайман.

Биз қашқадарёлик ҳамкасбларимиз фаолияти билан танишган кунларимизда мезбонларда худди шу фазилатлар бўртиб кўриниб турганини сезиб, мамнун бўлдик. Шу ўринда бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Етмишинчи-саксонинчи йилларда каминангиз республиканинг етакчи газеталаридан бирининг вакили сифатида Қашқадарёда бир неча маротаба хизмат сафарида бўлганди. Ўша пайтлардаги Қашқадарё билан бугунги Қашқадарё ўртасидаги фарқ ер билан осмончадир-ов! Қашқадарё — буюклар, азиз авлиёлар диёри бугунги кунда афсоналардан чиқиб келган бетимсол кентлар, туманларга айланибдики, таъриф-тавсифини қилсанг, адоғига етмайсан киши. Гапни мухтасар қилсак, мана шундай йўлдан бораётган ўлканинг матбуоти ҳам изчил тараққий топаётгани яққол кўриниб турибди. Фикримнинг исботи учун бир-икки мисол келтириб ўтмоқчиман. Вилоят ҳокимлиги газетаси "Қашқадарё"нинг янги сони тайёрланаётган жараённинг гувоҳи бўлдик. Таҳририятнинг каттагина зали, икки томонида ходимларнинг қатор-қатор иш столлари, уларда энг замонавий компьютерлар. Таҳририят ходимлари (уларнинг тўқсон фоизи ёшлар!) газетанинг дунёга келаётган янги сонини поёнига етказиш арафасида туришибди. Журналистлар ишга шу қадар берилишганки, уларга бирор оғиз савол беришга хижолат бўласан киши. Улар иш билан ниҳоятда банд. Вилоят шаҳарлари ва туманларидаги мухбирлардан янги-янги қайноқ материаллар олинаяпти, саҳифалаштирилаяпти, корректура ўқилаяпти.

3»

■ ДУНЁ СИЁСАТИ

Венесуэла раҳбари Ангела Меркелдан узр сўради

Германия канцлери Ангела Меркель Перуда бўлиб ўтган Лотин Америкаси – Европа Иттифоқи саммитида Венесуэла президенти Уго Чавес билан учрашди. Мулоқот чоғида Уго Чавес немис канцлеридан уни "Гитлернинг сиёсий вориси" деб атагани учун расман кечирим сўради.

Учрашувдан кейинги матбуот анжуманида Венесуэла раҳбари ортиқча кескин баёнот учун узр сўраганини тан олган.

Уго Чавес жорий йилнинг 11 май куни Ангела Меркелни Гитлернинг вориси деб атаган эди. Бунга эса немис ҳукумати раҳбарининг Лотин Америкаси давлат бошлиқларини Уго Чавесдан узоқроқ бўлишга даъват қилгани сабаб бўлган.

Ангела Меркелнинг ўзи Перу саммитидан олдинроқ Уго Чавеснинг сўзларига умуман эътибор бермагани, бу ерда йиғилган барча меҳмонларга, шу қатори Чавесга ҳам яхши муомалада бўлишини айтганди.

5»

ШУ РОСТМИ?

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларининг ҳар йили 1 август куни ўтказилиши анъанага айланган. Лекин бу йил негадир "Имтиҳонлар 1 июль куни бўлар эмиш", деган миш-мишлар юрибди. Шу ростми? Рост бўлса, бунга сабаб нима? Ана шу ҳақда маълумот берсангиз.

Тўланбой АСҚАРОВ,
Риштон тумани.

Таҳририятимизга газетамиз муштарийлари томонидан юқоридагига ўхшаш кўплаб мурожаатлар бўлди. Халқ орасида кенг тарқалган бу «миш-миш»ларга аниқлик киритиш учун республика Давлат тест марказига юборган хатимизга ушбу марказ директори Б. Исмоилов имзоси билан қуйидагича жавоб олдик:

— Республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун ўтказиладиган давлат тест синовлари 1 июлга кўчирилгани йўқ. Ҳарбий олий таълим муассасаларига қабул қилиш учун ўтказиладиган тест синови ҳам олдинги йиллардагидек 10 июлда ўтказилади.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Бугуннинг нафаси

- Халқаро йўловчи ташувчи барча йирик авиакомпаниялар 2008 йил 1 июндан бошлаб тўлиқ электрон чипаларни расмийлаштиришга ўтади. Хизмат кўрсатишнинг ушбу янги тури Халқаро авиаташувчилар ассоциацияси (IATA) томонидан барча жойларда жорий этиш учун таклиф этилди. Бу таклиф замирида йўловчиларга замонавий автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш, авиакомпанияларнинг қўлда бажариладиган операциялар учун маблағ сарфлашини камайтириш, юқори тезлик билан ишлайдиган, ишончли, қулай ва тежамкор технологияларга ўтиш ғояси мужассам.

- Сурхондарё вилоятида табиат ресурсларини тежаш ва экологияни соғломлаштириш учун қуёш энергиясидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Республика «Экоэнергия» илмий-тадқиқот маркази ҳамкорлигида воҳадаги ташкилот, муассаса ва хўжаликларга дастлабки қуёш электр станциялари ўрнатилмоқда.

- Пойтахтимизда "Миллий ўзўзини англаш ва Европа ҳамкорлиги доирасида миллий манфаатлар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) томонидан ташкил этилди.

- Қарши туманида аҳолини касаначиликка жалб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида юздан ортиқ янги иш жойлари яратилди. Етмиш нафарга яқин хотин-қиз касаначилик асосида иш билан таъминланди. Қишлоқ аҳолисини, айниқса, хотин-қизларни бичиш-тикиш, каштачилик, гилам тўқиш, қандолатчилик, халқ ҳунармандчилигининг турли соҳаларига йўналтиришда касаначилик имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда.

- Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида "Бино, иншоотлар ва меъморий обидаларнинг техник ҳолатини баҳолаш" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Россия, Қозоғистон, Германия ва Украинадан олимлар, соҳа мутахассислари иштирок этди.

- Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг мамлакат босқичи якунланди. Бухоро вилоятининг «Адолат» жамоаси мусобақанинг олий мукофотини қўлга киритди. Самарқанд вилоятининг «Афросиёб», Навоий вилоятининг «Темурийлар» жамоаларига эса биринчи ўрин насиб этди.

- Жиззах вилояти ҳокимлигида аҳоли ўртасида маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий ишларни янада яхшиланда маҳаллий ҳокимликлар, хотин-қизлар қўмиталари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини кучайтиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

- Мактаб ўқувчилари ўртасидаги "Сеҳрли ёғду" республика кино-фото фестивали якунланди. Республика Халқ таълими вазирлиги, Ўқувчилар техник ижодиёт маркази, "Камалак" болалар ташкилоти, Миллий телерадиокомпания ва киновидеоҳаваскорлар жамияти билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирнинг финал босқичида қарийб саксон нафар ўқувчи икки юзга яқин фотосурат ва олтмишга яқин кино асарлари билан иштирок этди.

- Фарғона вилояти деҳқонлари жорий йилда 105 минг гектар майдонда ғалла парваришламоқда. Ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан. Тошлоқ туманида ўтказилган кўргазмали семинар ана шу масалага бағишланди.

Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА тайёрлади.

МАТБУОТ

Ҳамкорликда ҳикмат кўп

у сиёсий партиялар нашрларини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутади

Матбуот – ҳаёт кўзгуси. У барча соҳалар, жумладан, сиёсий партияларнинг ҳам фаолиятини ёрқин акс эттиради. Мамлакатимизда кўппартиявийлик қарор топиши ва жамиятдаги ўзгаришлар ҳамда янгиланишларда уларнинг иштироки тобора кучайиб бораётган бир пайтда сиёсий партиялар нашрлари қандай ўрин тутмоқда? Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида бўлиб ўтган "Жамиятнинг янгиланиши ва демократлашуви жараёнида сиёсий партиялар нашрларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари" мавзусида ўтказилган семинарда шу ҳақда атрофлича фикрлашилди.

Анжуманда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунлари, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун сиёсий партиялар фаоллигини оширишда асосий ҳуқуқий асос ҳисобланса, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолотлари тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунлар даврий нашрлари фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Зеро, ҳар бир сиёсий партиянинг нашрлари мавжудлиги уларнинг дастурий мақсадларини кенг жамоатчиликка етказишга, партия электорати сиёсий онгини, ҳуқуқий савиясини юксалтиришга ёрдам беради. Бу эса партиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириб, жамият ҳаётида муҳим сиёсий бўғинга айланишини таъминламоқда.

Айтиш жоизки, сиёсий партиялар нашрлари юртимизда кечаётган муҳим сиёсий жараёнларни кенг оммага етказишда холислик ва ҳаққонийлик тамойилларига асосланиб иш юритмоқда. Бироқ баъзи сиёсий партия нашрлари бу борада бироз оқсаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бунда, албатта, матбуот нашрларига тезкор маълумотларни олиш имконини берувчи манбалар – ташкилотларнинг матбуот хизматлари билан узвий ва самарали фаолият юритиш мақсадга мувофиқдир.

Тадбирда жамият янгиланиши ва демократлашуви жараёнида сиёсий партиялар нашрларининг ўрни ва роли, самарали фаолият олиб бориш йўллари, таҳририятлар ва матбуот хизматлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш борасида баҳс-мунозаралар бўлди.

Анора Бобомуродова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:

— Республикамизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар газеталарида жамиятда юз бераётган ўзгаришлар қандай акс этмоқда? "XXI аср", "Ўзбекистон овози", "Фидокор", "Миллий тикланиш", "Адолат" газеталарида 2008 йил бошидан буён ёритилган мақолалар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда жамиятда юз бераётган улуғвор ўзгаришлар, турфа муаммолар ва уларнинг ечимларига қаратилган ишлар ҳамда бошқа мавзулар турли даражада ёритилмоқда. Энг асосийси, улардан газетхонлар қай даражада қониқиш ҳосил қилаётгани ҳақида ўйлашимиз лозим. Очиғини айтганда, айрим газеталарнинг ададларидан уларга газетхонлар қай даражада қизиқиш билан қараётганларини билса бўлади... Савол туғилади, марказда чиқадиган газеталар туманларга, маҳаллаларга ва барча партия аъзоларига етиб бориптими? Ҳатто, бошланғич партия ташкилотлари сиёсий жараёнлардан тўла хабардор бўла олянптиларми? Яна бир масала, сиёсий партиялар жойларда ҳам ўз нашрларига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Айтайлик, ХДПнинг Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Наманган, Навоий вилоятларида ҳам газеталари бор. Бошқа вилоятларда-чи? ХДПнинг лоақал шу ҳудудларда маҳаллий нашрлари бор экан, бошқа сиёсий партиялар бу борада қачонгача сукут сақлайди?

Мусаллам Умирова, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси матбуот котиби:

— Ташкилотларнинг ОАВ билан алоқаларини узвий йўлга қўйишда матбуот хизматлари муҳим ўрин тутади. Матбуот хизмати аввало ОАВ учун ўша ташкилот эшигини очиб қўйиши, яъни унинг ахборот оқимини вужудга келтириши мумкин. Демак, сиёсий партиялар матбуот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг фурсати етди.

Бобур Алихонов, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети олий журналистика курси раҳбари ўринбосари:

– Журналист кадрлар тайёрлашда ҳам ҳамкорлик жуда зарур. Қатор таҳририятларда маҳорат мактаблари ташкил этилгани эътиборга молик иш бўлди. Пухта назарий билим эгаллаётган талабаларга ижодий маҳорат сирларини ўргатишда биз тажрибали журналистлар мададига ҳамиша муҳтожмиз. Истардикки, улар ўқув масканларимиздан иқтидорли талабаларни танлаб олишса ва амалиёт сирларини мукаммалроқ ўргатишса.

Анжуман якунида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан биргаликда сиёсий партиялар нашрлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

Тўлқин ЭШБЕК

ХАБАРЛАР

Тилшунос талабалар турнири

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси қошида ташкил этилган "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази бир қатор тадбирлар, ёшлар форумлари, акциялар, ўқув-семинар машғулотларини ташкил этиб, ёшларнинг муҳим ғоя ва таклифларини ҳаётга татбиқ этишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Яқинда марказ мамлакатимизда фаолият юритаётган Британия кенгаши билан ҳамкорликда "Lingvo Master.uz – 2008" иқтидорли ёшларнинг хорижий тиллар бўйича турнирини ўтказди. Ташаббускор гуруҳ сифатида ўз фаолиятини бошлаган "Халқаро ёшлар ҳамкорлиги" йўналиши фаолларининг ғояси асосида ташкил қилинган ушбу турнир "Келажак овози" ЁТМ Ахборот-ресурс марказида бўлиб ўтди. Мазкур беллашувда тил йўналишига эга бўлган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти талабалари қатнашиб, ўзларининг хорижий тил бўйича олган билимларини яна бир бор синаб кўришди. Бу каби мусобақани ўтказишдан мақсад — шу йўналишда таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг бир-бири билан тажриба алмашишларига ёрдам бериш, иқтидорли йигит-қизларни аниқлаш ва марказда уларнинг интеллектуал базасини яратишдир.

Турнир якунида ғолиблар аниқланиб, фаол қатнашган талабаларга эсдалик совғалари топширилди. Ғолиб жамоага "Келажак овози" ЁТМ фаоллари учун июль ойида ташкил этиладиган ёзги ўқув оромгоҳига йўлланма берилди.

Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА

Ёшлар учун янги уйлар

Қарши шаҳрида «Ёшлар йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши борасида ҳар томонлама иш олиб борилмоқда. Хусусан, шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири — Ўзбекистон кўчасида ёшлар учун ҳар бири 32 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли иккита уй қурилмоқда. Уйлар шу йилнинг охиригача қуриб битказилиши режалаштирилган. Ёшларга мўлжалланган кўп қаватли уйларда "Қашқадарё қурилиш монтаж сервис" унитар корхонасининг 60 нафар қурувчи, мутахассис-муҳандиси меҳнат қилишмоқда. Улар шу кунгача бу ерда 200 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-тиклаш ишларини амалга оширдилар.

Участка бошлиғи Жовли Турдиқуловнинг айтишича, ёш оилалар учун мўлжалланган уйларни тиклашда жами 1 миллиард 240,9 миллион сўмлик иш амалга оширилади ва ҳар иккала бино фойдаланишга топширилгач, 64 та ёш оила уйли-жойли бўлади.

Пўлат ГАДОЕВ, «Хуррият» мухбири.

МУЛОҲАЗА

Ахборот — жамият озиғи

Маълумки, инсон табиатан янгиликка ўч бўлади.

Шу маънода замонавий дунёда ОАВларнинг ўрни беқиёс. Айниқса, телевидение алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда фаолият юритаётган айрим телеканалларда давр талаб этаётган ахборот ранг-баранглиги йўқ. Эфирга узатилаётган хабар ва янгиликлар тайёрланиши нуқтаи назаридан деярли бир хил. Ижодкорларнинг ўзлиги, яъни ижодий услуби кўринмайди. Баъзан дастур бошловчиларининг оддий хабарни «мухбиримиз репортажи» деб ўқиши, «репортаж» деб эълон қилинган лавҳада унинг аломати кўрилмаслиги соҳани яхши тушунган кишининг ҳафсаласини пир қилади. Шунингдек, аксарият ёш бошловчиларнинг хорижий телеканаллардаги ҳамкасбларига тақлидан "Студияда фалон дастур, сизлар билан ярим соат мобайнида мен фалончи фалончиева бўламан", дейиши гоҳида кишининг ғашига ҳам тегади. Наҳотки, эфирда ўша дастур бўлаётганлиги, бошловчининг исми, фамилияси титрда ёзиб қўйилганлиги, қизиғи, кўрсатувнинг ярим соат эмас, йигирма минут давом этишини ўша бошловчидан бошқа ҳар қандай синчков телетомошабин яхши билишини унинг ўзи билмаса?!

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мамлакатни модернизациялаш ва кучли фуқаролик жамиятини бунёд этишда ОАВнинг ўрни беқиёс. Чунончи, давлат ҳокимияти ва жамоатчиликнинг ўртасида кўприк вазифасини ўташ осон иш эмас. Аҳоли манфаатлари учун чиқарилаётган қонун ва қарорларнинг моҳиятини фуқароларга тушунтириш, тарғиб қилиш, шу билан бирга, уларнинг муносабатларини давлат идораларига етказиш жараёни ОАВ ходимларидан соҳани яхши билишни, ҳар жабҳада етарлича билимга эга бўлишни талаб этади.

Жамиятимизда ахборот алмашинуви ҳақида гап кетар экан, ҳозирги кунда чоп этилаётган газеталар ҳақида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Сир эмас, айни пайтда нашр этилаётган газеталарнинг кўпчилигида чоп этилган хабарлар мазмунан ва ижодий услуб жиҳатидан бир хил. Хусусан, партия нашрларидаги партия ҳаётига оид хабарлар деярли бир-бирига ўхшаш. Фақатгина тадбирнинг ўтказилган вақти, сўзга чиққанларнинг исми-шарифи ва бўлиб ўтган жой номи фарқланади. Тўғри, тадбирлар бир хил мазмунда турли ҳудудларда бўлиб ўтган, барчасида битта мухбир иштирок этгандир, аммо журналист нигоҳи уларнинг ўхшамаган томонларини илғай олиши керак. Айрим нашрларнинг бир ойлик тахламини кўздан кечириб чиққанимизда, материалларни ёзиш учун жами 600 га яқин сўз ва ибора ишлатилганлиги аён бўлди. Ушбу ҳолатни таҳририятлардаги ижодий жамоанинг яхши ишламаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ваҳоланки "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" китобида 80 мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмаси мавжуд. Бундан ташқари, халқимиз орасида ҳали китобларга киритилмаган бетакрор иборалар, киноя ҳамда мақол ва маталлар ишлатилади. Назаримда, ҳар бир қаламкаш улардан унумли фойдаланиши, йўқолиб кетаётганларини қайта муомалага киритиши лозим. Бу эса жамиятда ахборот алмашинувининг кўламини кенгайтириш билан бирга луғат бойлигимизнинг бойишига ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Ғанишер МАМАТОВ, Юсуфали НУРМАНОВ

ХАТ

"Андоқ"да андоқ ишлар борми?

«Андоқ» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидаги ер талон-торожлиги масаласида кўп жойларга мурожаат қилдик. Аммо... адолат қарор топиши қийин кечаяпти.

Гап шундаки, собиқ "Андоқ" ширкат хўжалигида бир неча минг гектар ер майдони асоссиз равишда ҳисобдан яширилиб, ўнлаб кишилар ўз манфаатлари йўлида турли экинлар экиб келишмоқда.

Мисол учун, собиқ ширкат хўжалигининг собиқ раиси Х.Пирназаров ҳозирги кунда "Ҳолнур" деб номланган фермер хўжалигини тузиб, ўзига уч жойдан ер олиб, биринчи олган ери 456 гектар, иккинчиси 248 гектар, учинчи ер майдони 48,5 гектар, жами 750 гектардан зиёд ерни эгаллаб олган ҳолда, ДСИга бор-йўғи 456 гектар ер майдонини ҳисоботда кўрсатиб келмоқда. Бундай ғирромликлар фақат шу эмас. Жойнинг ўзида биз — ана шу хўжаликда узоқ йиллар давомида меҳнат қилиб келган инсонлар иштирокида текширилса, ҳисоботдан яширилиб келинаётган яна анчагина ер майдони талон-торожлик билан турли шахсларга ҳеч қандай ҳужжатсиз бўлиб берилгани аён бўлур эди.

Ушбу хатимизни ваколатли идоралар ўрганиб чиқадилар, деган умиддамиз.

Амир ЭЛИБОЕВ, Саттор ҲАТАМОВ, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани "Андоқ" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси Қоракамар қишлоғи фуқаролари.

BANK XALQ BANKI

Давлат-тижорат ХАЛҚ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларини бажариб навбатдаги янги, миллий ва хорижий валютадаги

"ТАҚДИМ ЭТУВЧИ"

омонат турини таклиф этади:

— миллий валютадаги "Тақдим этувчи" омонат турига аҳоли пул маблағлари 3, 6, 9 ва 12 ой муддатга, йиллик 30 фоиз даромад тўлаш шарти билан чекланмаган миқдорда

— хорижий валютадаги "Тақдим этувчи" омонат турига маблағлар 6, 9 ва 12 ой муддатга йиллик 6 фоиз даромад тўлаш шарти билан нақд валютада ва хорижий банклардаги маблағларингизни чекланмаган миқдорда нақд пулсиз ўтказиш йўли билан

ХАЛҚ БАНКИНИНГ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Омонатингиз ҳақидаги маълумотнинг сир сақланиши ҳамда маблағларингизни ҳисобланган фоиз даромадлари билан биринчи мурожаатингиз бўйича берилиши таъминланади.

Халқ банкида аҳоли омонатларининг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!

САЛОМАТЛИК

ОНКОЛОГИК ХАСТАЛИКЛАР

Тиббиётнинг мураккаб ва долзарб муаммоси

Шу йилнинг 14-16 май кунлари Тошкентда МДҲ давлатлари онколог ва радиологларининг V съезди бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли халқаро анжуманда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Европанинг бир қатор ривожланган мамлакатларининг юзлаб вакиллари иштирок этишди.

Унда онкология хизматини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, ҳозирги вақтда хавфли ўсимталар клиник тиббиётининг ўта долзарб ва мураккаб муаммолари кўриб чиқилиб, муҳокама этилди.

— Мамлакатимизда рак касаллигига қарши кураш МДҲнинг бошқа давлатларидаги каби давлат томонидан махсус онкология хизмати орқали амалга оширилмоқда, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Акром Фозилов. — Бу вазифа вилоят ва шаҳар онкологик диспансерлари ва онкологик поликлиникалар орқали амалга оширилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон аҳолисининг хавфли ўсимталар билан касалланиш кўрсаткичи Россия ва МДҲнинг бошқа давлатларига нисбатан 3,3-3,5 баробар кам бўлиб (интенсив кўрсаткич бўйича) ва стандартланган кўрсаткич бўйича 1,7 баробар пастдир.

Съезд делегатлари юртимиздаги тиббиёт масканларида бўлишиб, яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, тажриба алмашдилар.

Муратбек ОСОМБАЕВ (Қирғизистон), МДҲ давлатлари онколог ва радиологлари V съезди иштирокчиси:

— Умуман, бутун дунёда хавфли ўсимталар клиник тиббиётнинг ўта долзарб ва мураккаб муаммоси ҳисобланади. Мени қувонтирган томони Ўзбекистонда бу касалликларнинг олдини олиш учун етарли шарт-шароитлар яратилганлиги бўлди. Бу ерда малакали шифокорлар фаолият кўрсатаётганлиги ҳам беморлар сафини камайтирмоқда экан.

Адиба УМИРОВА

Сафардаги ўйлар

(Бошланиши 1-бетда.)

— Кўриб турибсиз, — дейди газета бош муҳаррири Нарзулла Равшанов. — Ҳар бир ходимимиз алоҳида компьютерга эга. Уйларида ҳам компьютер бўлишига эришганмиз. Кўз тегмасин, деярли ҳамма ходимларимиз топқир, тезкор, дадил, кези келганда кескин.

Таҳририятнинг энг ёш ходими Камолиддин Каримовнинг яқиндагина қилган тандиқий чиқиши бутун вилоятда катта шов-шувга сабаб бўлганини эшитиб, бу ҳамкасбимизга қойил қолдик. Маълум бўлишича, туманлардан биридаги масъул бир раҳбар оддий одамлар билан муносабатда беписандлик билан иш тутиб келган, оқибатда, ўша раҳбар устидан кўплаб шикоятлар тушган. Қисқаси, бу ишга журналистлар аралашган. Натижа шу бўлдики, ўша мансабдор журналист билан суҳбатлашишни ўзига эп кўрмай, ҳатто унинг иззат-нафсига тегиб таҳқирлашгача борган. Аммо бизнинг ёш ва қайтмас ҳамкасбимиз қатъият билан иш кўриб, бу ҳақда ўткир танқидий мақола ёзган. Ўртада ҳатто судлашув ҳам бўлган. Гап шундаки, судлашувда журналист Камолиддин Каримов ғолиб чиққан. Ана шундан кейин беписанд, бюрократ мансабдорлар ҳушёр тортиб, уёқ-буёқларини ўнглаб олишган.

Буни журналист қаламининг қудрати дейиш мумкин!

Газета фаолиятида бу каби мисолларни кўриб, қашқадарёлик ҳамкасбларимиз Юртбошимиз даъватига амал қилиб фаолият кўрсатаётганликларига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳамманинг эсида бор, бундан бир неча йил муқаддам Республикамиз Президенти Ислом Каримов журналистларга мурожаат қилиб, уларни жасоратли бўлишга, иллатларни, нуқсонларни кескин фош қилишга даъват этган ва керак бўлса, мен сизларнинг мададкорингиз бўламан, деган маънодаги гапларни айтган эди. Қашқадарёлик ҳамкасбларимиз бу даъватни ўз фаолиятлари учун дастуриламал деб билганликлари сезилиб турибди.

Биз, фарғоналик журналистлар вилоятнинг шаҳар ва туман газеталари таҳририятларида бўлганимизда кўтаринкилик ва топқирлик билан ижод қилаётган касбдошларимиз ва улар учун яратилган қулай шарт-шароитларни кўрдик, вилоят ҳокимлиги соҳа равнақи учун изчил кўмак бериб келаётганини сездик. Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев қабулида бўлганимизда, у киши "Биз ҳали журналистларимиз олдида қарздормиз. Бу қарзни албатта узамиз", деган гапларни айтди.

Қашқадарё вилояти матбуотчиларининг фаолиятидаги ҳавас қиларли ишларни кўриб, беихтиёр буни ўзимиздаги аҳвол билан таққослайман. Албатта, Фарғона вилояти матбуотчиларининг ҳам бошқалардан кам жойи йўқ, енг шимариб ишлаётганлари, ташаббускорлари, жасоратлиларидан талайгина. Шу жиҳатдан олганда, Охунбобоев тумани ҳокимлиги газетаси муҳаррири, истеъдодли журналист Хадичахон Каримова раҳбарлик қилаётган "Истиқбол йўли" газетаси шаънига ҳамиша илиқ гаплар айтилади. Кўламлари кенг, қатъиятли муҳаррир ўз газетасида доимо долзарб

муаммолардан баҳс этувчи теран ва таъсирчан мақолалар эълон қилиб боради. Уларнинг ечимини топишгача бўлган жараён билан қизиқади. У айни пайтда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг газетаси бош муҳаррири ҳамдир. Толмас журналист ушбу ҳафтаномани ҳам ўқувчиларнинг севимли газетасига айлантира билди. Олтиариқ тумани ҳокимлиги газетаси "Давр овози" ҳам бу йил бежиз "Олтин қалам" танлови ғолиби бўлгани йўқ. Туман аҳлининг истиқлол йилларидаги жасоратлари, пешқадам замондошларимизнинг яратувчилик меҳнатларини ранг-баранг жанрларда ёритаётган, камчилик ва нуқсонларга муросасиз газета кўп минг сонли ўқувчиларнинг қадрдони бўлиб кетган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. "Янги Фарғона", "Қўқон садоси", "Овоза", "Ойдин", "Риштон ҳақиқати", "Водил ёғдуси" каби газеталар ҳам ўқувчиларнинг севимли нашри бўлиб қолган.

Касбдошларингнинг олисларни кўзлаб қилаётган салмоқли ишларини кўриб қувонган пайтингда ўз вилоятингда баъзи бир таҳририятларнинг фаолиятидаги қусурлар, жиддий нуқсонларни кўриб ачинасан киши. Айрим туман ёхуд шаҳар ҳокимликларининг газеталари борлиги ҳам, йўқлиги ҳам билинмайди. Чалажон. Масалан, Қувасой шаҳар ҳокимлиги газетаси "Исфайрам"нинг адади 600-700 нусхадан ошмайди. Йирик саноат шаҳри газетаси айрим ойларда чиқмай ҳам қолаверади. "Боғдод ҳаёти", "Яйпан овози" сингари туман газеталари ҳам худди ана шундай нуқсонлардан ҳоли эмас.

Бу ҳол ушбу туманлар раҳбарларининг ўз нашрлари фаолиятига бефарқликлариданми, билиб бўлмайди. Улар фаолиятига назар ташлар экансиз, бу жамоалар ҳамон йигирманчи аср ҳавосидан нафас олаяпти деб ўйлайсиз. Шиддатли давр уқувсизликни ёқтирмайди.

Вилоятда 80 дан ортиқ хусусий ва тармоқ газеталари чиқиб турибди. Бу яхши. Лекин уларнинг ўқувчиси борми? Борлари бор, албатта. Аммо касодлари кўпроқ. Шу боис бўлса керак бу хил газеталар ўқувчи эътиборини тортиш мақсадида олдиқочди, ҳатто ҳирсни жунбушга келтирувчи ҳангомаларни босишга зўр берадилар. Хўш, бу миллий мафкурамизга, ўқувчилар маънавий оламини бойитишга хизмат қиладими?

Айрим тармоқ нашрларининг ҳолига маймунлар йиғлайди. Масалан, "Меҳнат ва турмуш" деб номланган тармоқ газетаси бир неча йилдирки муассис излайди, қўлдан-қўлга ўтади. Нега шундай дерсиз? Сабаби, ўқувчини қизиқтирадиган жойи йўқ. Аксарият сафсаталар билан тўлиб чиқади. Бу хил "нашр"га ўқувчида қанақа қизиқиш бўлсин?

Вилоят ҳокимлиги газетаси "Фарғона ҳақиқати"нинг ўзига хос бой тарихи бор. Кўп йиллар давомида у энг донгдор нашрлардан бири бўлиб келган. Лекин афсуслар бўлсинки, у бозор шароитлари синовларига бардош беролмади. Нега шундай бўлди? Сабаби битта: сўнгги йиллар давомида таҳририят фикр-мулоҳазали, олисни кўзлаб иш тутадиган, топқир раҳбарга ёлчимай келаяпти. Сал дағалроқ қилиб айтганда, газета чиқиши шарт бўлгани учун ҳам чиқиб турибди. Ижодий жамоа учун шарт-шароит йўқ ҳисоб. Редакцияга ҳали журналистикага доир янги технология кириб келгани йўқ. Материаллар ҳалиям "отам замонидан қолган" машинкада навбати билан ёзилади. Газетани тайёрлаш жараёнида сал бўлмаса ўтган аср манзараларини кўрасиз...

Энг ёмони, таҳририятда ёш журналистлар деярли кўринмайди. Нега шундай деб сўралса, ёшлар бунақа шароитга кўниколмай кетиб қолишаяпти, деган жавоб оласиз. Тўғри-да, қайси ёш журналист бу зерикарли, ижодий руҳ сезилмайдиган, ташаббусдан дарак йўқ даргоҳда ишлагиси келади. Ёшларга ижод, ташаббус, изланиш, баҳс-мунозарали ижод даргоҳи керак. Республикамиздаги энг тўнғич ва севимли нашрлардан бири бўлмиш бу газета яқин орада қайтадан фаоллашса ажабмас. Шунга эришилса газета ўзи йўқотган кўп минг сонли обуначилари, юз минглаб ўқувчиларини яна ўзига қайтара олган бўларди. Ахир, унинг вилоят ҳокимлигидек муассиси бор. Бу даргоҳга талаб ва истакларни баён этиб, мурожаат қилиш керак холос.

Охунжон ҲАКИМ

АРЗ

Мен дардимни сизга айтайин...

Олам билан Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Қўйлиқ-6 даҳаси, 18-уй, 28-хонадонда 1992 йил декабрь ойидан ижарада яшаганмиз. 1993 йилга келиб эса Ф.Х.Бекмаевдан уйни қўшнилар гувоҳлигида 500 минг россия рублига сотиб олганмиз. Аммо Ф.Бекмаев шошилинч Россияга кўчиб кетганлиги сабаб уйни нотариал идораси орқали қонунийлаштиришнинг иложи бўлмай, фақат 2002 йилга келиб судга мурожаат қилинди. Суд бизнинг даъво аризамизни ўрганиб, "фойдаланиш учун рухсат" деган мазмунда ҳал қилув қарор чиқариб берди. Бу иш юзасидан маҳалла фаоллари ва посбонлар, қўшнилар гувоҳликка чақирилди. Улар суд жараёнида ўтган йиллар давомида уй-бадал пулларини тўлаб яшаб келаётганлигимни, шу йиллар мобайнида бирор бир киши келиб бизни безовта қилмаганлигини айтиб ўтишди.

Шундан сўнг тинчгина яшаб келаётган эдик. Бироқ, орадан роса 12 йил ўтиб, 2005 йил 19 декабрь кунида корейс миллатига мансуб аёл келди. У менга Фанис Бекмаевнинг қайтиб келганлиги ва ҳозир ўзининг уйида дам олаётганлигини айтиб, менинг бу квартирада ноқонуний яшаб келаётганимга шаъма қилди. Мен уй плани ва суднинг фойдаланиш учун ҳал қилув қарорини кўрсатдим. У кечқурун мен билан хўжайинининг учрашмоқчи эканлигини билдириб, менинг иш жойим, телефонимни сўраб олди. Унинг қўлида эса янги қоғозда "олди-сотди" шартнома нусхаси бор эди. У кундузи соат иккиларда иш жойимга қўнғироқ қилиб, хўжайин кечқурун соат саккизда мен билан учрашув белгилаганлигини айтди. Кутилган меҳмонлар жуда кеч — тунги соат 12 да келишди. Лекин уларнинг орасида уй эгаси Ф.Бекмаев йўқ эди. Уч йигитнинг бири Чилонзор туманида терговчи бўлиб ишлайдиган майор В.Нам экан, иккинчиси С.Югай ва учинчиси Игорь экан. Улар менга уйни бўшатиб қўйишим учун "24 соат муҳлат" беришди. Мен 21 декабрь кеч соат 9 ларда уйга қайтсам, улар уч киши бўлиб мени кутиб олишди. В.Нам мени четга тортиб, "Мен Чилонзор туманида терговчи бўлиб ишлайман, бир йилдан кейин нафақага кетаман, уйни яхшиликча ҳал қилайлик, нима дейсан?", деб мендан сўради. Ҳаттоки у мендан ёзма тилхат ёзиб олмоқчи эди. Қўшнилар бу бўлиб ўтган воқеадан хабардор. Мен ундан "С.Югайнинг қўлидаги олди-сотди шартномаси ҳақиқийми?", деб сўрадим. У мени олди-сотдининг ҳақиқийлигига ишонтирди гўё. Мен 6 ой муддатда 2 минг АҚШ доллари берадиган бўлдим. Шу воқеадан кейин В.Намга телефон қилиб менга олди-сотди шартномасини бериб туришини сўрадим, бу илтимос рад этилди. Мен С.Югай билан гаплашганимда, уй ҳужжатларини Ф.Бекмаевдан эмас, бошқа кимдандир пулга сотиб олганлигини айтди. Бу эса унинг Ф.Бекмаевни танимаслигидан далолат бериб турибди.

Адвокатининг айтишича, уй олди-сотди ҳужжатлари тўғри ва қонуний расмийлаштирилган. Шунинг учун мен судда "хатшунослик экспертизаси"ни эмас, балки С.Югайнинг номига расмийлаштирилган БТИ ҳужжатларини, архив, ва шунингдек, муҳр, қоғоз маълумотларни тўлиғича экспертизадан ўтказишни сўраб, Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг судьяси Д.Худойбердиевадан илтимос қилдим. Бу илтимос рад қилинди. Экспертиза ҳақида гап кетганда, С.Югайнинг адвокати ҳам доим буни рад этиб келди. Судда савол-жавоблар бир томонлама, яъни С.Югайнинг фойдасига олиб борилди. Унинг шахсиятига аниқлик киритилмади.

У мен яшаётган уйга даъво қилар экан, дастлаб 1-нотариал идорада ишлаб келаётган Қобил акадан "Бир хонали уй бор, шуни менга расмийлаштириб беринг", деб таклиф қилган. Қобил ака "Бунинг охири ёмон бўлади, мен бундай ишларни қилмайман", деб рад жавобини берган экан. Бунинг устига, "Мен темирйўлчилар шифохонасининг бош шифокориман", деб ёлғон гапирган. Суриштирувлар натижасида, унинг ҳеч қачон у касалхонада бош шифокор бўлиб ишламаганлиги, аксинча, унинг акаси Югай Эдуард Валентинович бош шифокор бўлиб ишлаганлиги, аллақачонлар Россияга кўчиб кетганлиги аниқланди.

Туман суди бу найрангбоз тақдим этган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш талабимни рад этиб, унинг фойдасига қарор чиқарди: мен оилам билан 15 йилдан буён коммунал тўловларни тўлаб, суд қарорига асосан яшаб келаётган хонадонни унга бўшатиб беришим керак экан (!). Апелляция шикояти ёздим. Шаҳар судида С.Югай ўзини бир йилдан буён ишламай келаётганлигини айтди. Судья Б.Мадаминов ундан меҳнат дафтарчасини асл нусхасини тақдим этишни сўради. Бунга жавобан у фақат 1989 йилгача қаердадир оддий терапевт бўлиб ишлаганлиги ҳақидаги архив маълумотини тақдим этди. Вассалом. Туман суди қарори ўзгаришсиз қолдирилди. Бу эса мени — олий ўқув юртининг домласи, фан номзодини ҳайратга солди! Тошкент шаҳар судидан ҳам унга тегишли уй ҳужжатларини экспертиза қилишни сўрадим, жавобсиз қолдирилди... Мадомики, шундай экан, С.Югайнинг бу хатти-ҳаракатлари наҳотки судда шубҳа уйғотмаса? Ахир, унинг орадан 14 йил ўтгандан сўнг уй ҳужжатларини Сергели БТИ томонидан расмий рўйхатга олдирганлиги ҳар қандай кишини ўйлантирмайдими? Шунча вақтгача у "тайёр уйи"ни бегонага ташлаб қаёқда юрган эди? Икки бора бу савол суд томонидан очиқ қолдирилди...

Аввалига "Ф.Бекмаевни танийман", деган одам кейин уни "Ўлган бўлса керак", деган сўзга ўтиб олди... Ҳолбуки, архивдан олинган ҳужжат ва қўлдаги олди-сотди шартномалардаги имзолар умуман бир-бирига ўхшамайди. Экспертиза у ёқда турсин, оддий кўзга кўриниб турган бу қалбакиликдан ҳам судда кўз юмилди...

Агарда ҳақиқатдан ҳам уй уники бўлганда эди, ўз уйини ўз вақтида кадастрдан ўтказган, ўзи яшамаса-да ижарага одам қўйган ва бадал пулларини олиб турган ёки аллақачон сотиб юборган бўлар эди. Унинг адвокати Л.Магай Абдураҳмон Жомий маҳалла қўмитасига бориб, 25 минг сўм "миннатдорчилик" эвазига мен яшаётган уйда Югай яшаб келаяпти деган маълумотнома сўраши ва рад жавобини олиши тўғрисидаги тирик гувоҳнинг кўргазмасига ҳам... кўз юмилди.

Бу аҳволда, мен дардимни кимга айтишим керак? Олий судга назорат тартибида шикоят ариза ёзган эдим, "Аризангизни ўрганиб чиқиш учун Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига юборилди", деган жавоб олдим.

Шоазим ШОЗАМАНОВ

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Баққон тутган қизалоқ

"Замонавийлик" соясида қолаётган айрим урф-одатларимиз хусусида мулоҳаза

Куда-андалар қўшни вилоятдан эди. Тушга яқин улар ўтирган тўй карвони карнай садолари янграб турган ҳовли дарвозасига келиб тўхтади. Меҳмонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш учун олдиндан тайёрланган кайвони аёллар одатдагидек ота-боболар удумини бажаришга киришади. Момолардан бири исириқ тутатилган идишни куёв навкарлар, қудалар атрофида айлантириб, инс-жинс, бало-қазоларни "даф" қилади. Яна бирови қудаларнинг елкасига оқлик сепади.

Куёв жўралардан бири нохос жаҳлга минади. Қайрилиб, қудалар елкасига оқлик сепаётган момони жеркиб ташлайди. Нарироқда келаётган, эгнига кўзни қамаштирувчи ялтир-юлтир кўйлак кийган меҳмон аёл эса: "Бо худо, фаросатдан ҳам бериб қўйган экан-да, кўрмаяпсизми, япянги кўйлакни ун сепиб расво қилай дединг-а, қай гўрдан чиққан одат бу?", дея бобиллаб берди. Ноилож аҳволда қолган кайвони кампир: "Ахир одатимиз шунақа-да, қуда", дейишга аранг улгурди.

Ҳаммасидан ошиб тушгани кейинроқ, келин-куёв машинага ўтириб, тўй карвони қишлоқ йўлига чиққанда рўй берди. Безатилган оппоқ машинани бир-бирига боғланган шоҳи белбоғли арқон билан тўсиб чиққан икки қизалоқ келиннинг тоғасидан "келин ҳақи" ҳадясини олиш умидида олдинги ўриндиқда ўтирган амакига жилмайиб боқишади. Бироқ машинадан тоға эмас, балки аллақачон ширакайф бўлиб қолган куёв жўра тушиб келади: "Буниси яна қанақа одат, сал бўлмаса арқон машина безакларини дабдала қилиб қўярди, қани йўқолларинг бу ердан", дея қизалоқларнинг қўлидаги шоҳи белбоғли арқонни олиб улоқтиради. Авval қишлоқ тўйларида бунақа бебошликни кўрмаган қизалоқлар гап нимада эканлигини англаб етгунча, тўй карвони қишлоқ йўлини чангитиб кўздан ғойиб бўлди...

Яқинда ўтган қиз узатиш маросимида кузатганларим — ушбу воқеаларни ўзимча таҳлил қилярканман, беихтиёр 30-40 йил аввалги шу каби тўй-маросимлар кўз ўнгимдан ўтади. Уларда халқимизнинг ўзига хос одати, удумларига қай тариқа амал қилингани-ю, умуман, замонасозлик баҳонасида минг йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу удумларнинг йўқолиб кетаётгани ҳақида мушоҳада юритаман.

Миллатни миллат қилиб кўрсатадиган, уни бор бўй-басти билан намоён қиладиган асосий унсурлардан бири — миллий урф-одат, маросимлар эканлигини яхши биламиз. Ўзбекона умуммуштарак урф-одатларнику қўйиб турайлик, ҳатто ҳар бир қишлоқ, овул ва туманларнинг ўзига хос, бир-бирини такрорламайдиган урф-одатлари мавжудки, улар халқимизнинг бошқа халқ, миллатлар наздида кўз-кўз қилишга арзигулик бебаҳо номоддий бойлик, маданий ва маънавий мероси сифатида халқаро ташкилотлар, дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Фақат кейинги пайтда "замонавийлик" балоси бу урф-одатларнинг анча-мунчасини "ютиб" кетаётгани ҳам бор гап.

Кўҳна Сурхон воҳаси ўзига хос тўй удумлари, маросимларга бой. Узоқ йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келган бу удумларнинг ҳар бирини ўз маъно-моҳияти, мазмуни мавжуд.

Сурхондарёда фотиҳа тўйларида, шунингдек, қиз узатиш маросимларида келин хонадонига ташриф буюрган қудалар, куёв жўралар елкасига оқлик белгиси сифатида ун сепиш одати кенг тарқалган бўлиб, бу одатга воҳанинг деярли барча ҳудудларида бирдек амал қилинади. Икки хонадон қуда-андалик ришталарини боғлаш, икки ёшнинг бошини қовуштириш арафасида ушбу одатнинг бажарилиши замирида қуда-андалар кўнгли ундек пок, оқ бўлсин, деган маъно мужассам. Пок кўнгил билан бошланган иш эса одатда ҳамиша хайрли бўлган.

Қиз узатиш тўй маросимларида "баққон тутиш" энг ажойиб удумлардан бири бўлиб, бугунги кунда ушбу одат деярли йўқолиб бормоқда. Ҳозиргача сақланиб қолган тоғ қишлоқларида ҳам баъзан бу одатни, айниқса, ёшлар келин-куёвнинг олдини тўсиб чиқиб нимадир таъма қилиш сифатида талқин қилишади. Ваҳоланки, яқин-яқинларгача воҳанинг барча ҳудудларида амал қилинган ушбу удум ўзига хос мазмунга эга бўлиб, унинг келиб чиқиши ҳақида халқ орасида бир қанча ривоятлар мавжуд. Шу ўринда ўша ривоятлардан бирини келтиришни лозим кўрдик.

Айтишларича, бир қишлоқнинг нуроний оқсоқоли бўлиб, қишлоқдаги ҳар бир тўй-марака, маросимлар унинг йўриғи билан ўтказилар экан. Айниқса, бу овулдан бошқа қишлоққа қиз узатилса, келинни албатта оқ отга ўтқазишиб, куёв етагида қишлоқни

айланиб чиқишгандан кейин уларга оқ фотиҳа берилган. Келин-куёвни қишлоқдан чиқиш жойида албатта ўша оқсоқол кутиб олиб, келин ўтирган от жиловини тутиб, уларни тўхтатган, яъни келин-куёвнинг йўлини "тўсган". Келинни бирга кузатиб кетаётган падарвакил — тоға шу қишлоқда униб-ўсган қиз учун оқсоқолга "ҳақ" — ният қилган нарсасини тортиқ этган. Шундан сўнг оқсоқол қишлоқдан чиққунча отни ўзи етаклаб, ёшларни оқ фотиҳа билан кузатиб қўйган.

Ҳозирги келинлар, албатта, замонавий машиналарда келиши аллақачон урфга айланган. Бироқ яқин-яқингача ҳам ота хонадонидан чиқаётганида келинни тоғаси, агар тоғаси бўлмаса, амакиси кузатиб борган. Олдинда ўтирган тоға ўзи билан турфа ҳадялар олиши шарт бўлган. Негаки, янги хонадонга етиб боргунча келин-куёв олдини тўсиб чиққан баққон тутувчиларга тоға яхши ният қилиб, тўй ҳадяларини улашган. Баққонни ҳар ким истаган жойда тутиши эркин бўлган, бунга на куёв жўралар, на тоғаю аммалар эътироз қилишга ҳақли бўлган. Эътиборлиси шуки, тоға улашадиган ҳадялар ичида келин бола шахсан ўз қўли билан тўқиган рўмолча ва қийиқлар ҳам бўлган. Баққон тутган ёш-яланглар бизни ҳам шу кунга етказсин, дея келин томондан берилган ҳадяларни яхши ниятлар билан сақлаган.

Афсуски, бугунги тўйларда келинни тоғалар эмас, балки маст-аласт рибди, холос. Ваҳоланки, бизда азалдан тўйгача келин-куёвларнинг ҳар икки томон қуда-андаларига кўринмаслик, яъни юз кўрсатмаслик каби шарқона ҳаё, ибо, одобахлоқ меъёрларини сақлай билиши мажбурий бўлган. Куёв билан юз кўришиш келинни олиб чиқиш олдидан, қайнона-қайноталар томонидан тайёрланган сарполарни тантанали равишда кийгизиш билан амалга оширилган. Келин билан "юз кўришиш" эса тўй оқшомидан кейин, эрталабки келинсалом вақтида бўлган. Шунгача келин-куёв қайнота-қайноналари, қайниларига кўриниш бериши, яъни "қочмаслиги" уят, одобсизлик саналган. Энди бир тасаввур қилинг, "қизлар базми" оқшомида кайфи тароқ бўлган куёв бола ўз қайнота-қайнонаси билан рақсга тушса, эртаси келин болани олиб кетиш учун борганда бажариладиган тўй удумларига бирор-бир маъно-мазмун қолармикан?

Албатта, бир мақола орқали тўй маросимларида амал қиладиган барча урф-одатлар ҳақида фикр юритиш имкони бўлмагани боис, уларнинг баъзи бирлари ҳақида, хусусан "замонавийлик" баҳонасида соф миллий удумларимизни бой бераётганимиз хусусида мулоҳаза ва эътирозларимизни баҳоли қудрат баён этишга ҳаракат қилдик. Шуларсиз ҳам шўро замонида атеизм булоғидан заҳарланиб, қанчадан-қанча урф-одатларимиз, айниқса, тўй-маросимларимизни йўқотганимизни ёддан чиқармайлик, дейман. Мустақиллик туфайли ўзлигимизга қайтган эканмиз, демак, аждодлардан мерос бўлиб келган, ҳатто биз учун аҳамиятсиздек туюлган урф-одатларимизни сақлашга ҳаракат қилайлик. Замонавийлик ўз йўлида, истаймизмийўқми, у биз билан, бизнинг ҳар бир кунимиз билан бирга қадам ташлайверади. Биз билган ва билмаган миллий урф-одатларимиз эса ҳар бир замонда қайта сайқаллансин, миллат бойлиги, тарихнинг бўлаги — зарраси сифатида биздан кейинги авлодларга ҳам ўтаверсин.

Даврон ОРИПОВ,
"Ҳуррият" мухбири.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

ДИЛ СЎЗЛАРИ

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида пойтахтимизнинг муҳташам "Туркистон" саройида «Олтин қалам» III Миллий мукофотининг бу йилги совриндорларини тақдирлаш маросими катта тантана билан кечган бўлса-да, танловнинг сурури, шукуҳи ҳали-ҳануз юртимиз қалам аҳлининг қалбларига ажиб туйғуларни улашмоқда.

Бу танлов маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида хизмат кўрсатаётган барча журналистларни ва турли жойларда меҳнат қилаётган кўплаб ижодкорларни чинакамига руҳлантирди, десак янглишмаймиз.

Нуфузи сарбаланд ушбу мукофот соҳиблари орасида республикамизнинг чекка вилоятларидан ҳам журналистлар тақдирланганликлари жойларда ҳақли эътироф этилмоқда.

Биз бу йилги "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлови совриндорларининг айримлари билан боғланиб, тадбирдан сўнг уларнинг қалбида кечаётган ўй-кечинмалар, танлов ҳақидаги фикрларию келгуси ижодий режалари билан ўртоқлашишларини илтимос қилдик.

Инсон ҳаётида шундай қувончли воқеалар бўладики, бутун борлиғини кечаётган умридан, фаолиятидан мамнунлик ҳисси қамрайди. Насиб тақдирга шукрона айтади. Чеккан машаққатлари, ташвишларини унутади. Вужудида туғёнланган бир олам ҳаяжонни сўз билан ифодалашга ожизлик қилади. "Туркистон" саройида "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танловининг матбуот номинациясида биринчи ўрин билан тақдирланганимда мен ана шундай руҳий ҳолатда эдим.

Ҳамиша юзимиз ёруғ бўлсин!

Дунёда касблар кўп. Ҳар бир касбнинг жамиятда ўз ўрни, нуфузи, ардоқлаб келаётган муносиб вакиллари бор. Яна бир муҳим жиҳати, аксарият касб эгалари учун фаолиятда асосланадиган йўриқномалар, қўлланмалар, меъёрлар мавжуд. Айтайлик, муаллим дарсликларга, дастур ва қўшимча адабиётларга асосланиб сабоқ берса, шифокор муайян касалликнинг тиббиётда маълум белгилари, олинган таҳлилларга қараб беморга ташхис қўяди, даволайди. Қурувчи лойиҳа, тарҳларга асосланиб иш тутади.

Журналист-чи?! Бу касб эгаси тинимсиз изланиб, ўз устида ишлаб, энг муҳими, доимий янгиланиб бориши, яратиши зарур. Кераклисўзни топиш, фикрини эътиборни тортадиган, қизиқарли шаклда баён этиш осон эмас. Ўйлаганларини ўзи қаноат ҳосил қиладиган даражада қоғозга тушириш, сўзлар воситасида бошқаларга тўлиқ етказиш нақадар машаққатли. Баъзан нари борса ўн-ўн беш дақиқа кўз югуртириб чиқиш мумкин бўлган матнни қоғозга тушириш учун ўзига нисбатан талабчан журналист ўн-ўн беш баравар кўп вақт сарфлаши, қанчалик узоқ бош қотириши мумкин. Танқидий, таҳлилий, муаммоли мақолалар, очерк ёки памфлетлар ёзиш учун эса хизмат сафарларида бўлиш, турли тақдирлар билан юзлашиш, зарур фактлар тўплаш, уларни бир тизимга солиш, ҳатто айрим ҳолларда жиддий қарама-қаршилик, тўсиқларга дуч келиниши ҳисобга олинса, ҳақиқий журналист меҳнати соҳадан йироқроқ кўпчилик сиртдан қараб ўйлаганчалик осон кечмаслиги янада яққолроқ англанади.

Бунинг устига ёзгани ҳарчанд ўқимишли, ҳарчанд пухта, талқинлари ҳарчанд гўзал бўлмасин, ундаги лоақал битта жумлани навбатдаги материалида ишлатолмайди. Ҳар гал тамомила янги жумлалар тузиш, фикрни бошқача тарзда ифодалаш зарур. Бу машаққатли меҳнат тинимсиз такрорланаверади. Касбини қисмат деб билган, юқоридаги сингари машаққатлардан руҳий лаззат, завқ туйиб яшаган кишигина чинакам ижодкор, журналист бўла олади. Ёзганларидан кўнгли тўлганида ва у матбуот юзини кўрганида, барча чарчоқларини бутунлай унутади...

Бошқа касб эгаларидан яна бир фарқли жиҳати, журналист касби барча соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, юз бераётган янгиликлар, камчилик ва мавжуд муаммоларидан бир мутахассисчалик хабардор бўлиб боришни ҳам тақозо этади. Айтайлик, амалдаги қонунлар, улар ижроси билан боғлиқ ҳақиқий ҳолатни яхши билмасдан туриб ҳуқуқ-тартибот, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар, ўзгаришлар, яратилаётган ҳуқуқий асослар хусусида етарли тушунчага эга бўлмасдан туриб тиббиёт соҳаси вакилини ёки таълим, маънавий-маърифий йўналишдаги туб ўзгаришлар, оғриқ нуқталарини чуқур англамасдан туриб зиёли кишини суҳбатга тортиш, улар билан мусоҳаба олиб бора олиш мавзу ичига кириш, холисона, объектив мулоҳаза юритиш мумкинми?! Муносиб суҳбатдош бўлгандагина киши кўнглини очади. Акс ҳолда, жиндай муболағa билан айтганда, ҳаётдан йироқроқ ҳамкасбимиз қайсидир китобда ўқиганимга ўхшаб, баҳорда чўпондан интервью олгани борган ва "Қўзиқоринлар ҳам гуллаб қолгандир, отахон?!" қабилида савол берган мухбирнинг ҳолатига тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

"Олтин қалам" — бир журналист сифатида қилаётган камтарона меҳнатимга берилган катта баҳо эканлиги баробарида зиммамга янада улкан масъулият юклашини, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида менга нисбатан билдирилган беқиёс ишонч эканлигини ҳис этдим.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Бухоронома" ва
"Бухарский вестник"
газеталари бош муҳаррири.

Биз жаҳон тан олган демократия, либерализм каби ва бошқа тушунчаларни ўзбекона ҳаё билан, ўзбекона андиша билан муштарак тарзда жорий этаётган халқмиз, миллатмиз. Журналист сифатида ана шундай оқилона сиёсатни юритаётган Президентимизга, у киши раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлида ҳар қанча хизмат қилсак ҳам оз...

Энди сарлавҳада акс этган мулоҳазаларга қайтсак: совринга сазовор кўрилган фильмлардан бири "Шомдан тонггача" деб номланган бўлиб, Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланиб, унда Одина масжиди ҳақида, унинг мустабид тузум даврида ғоят ачинарли аҳволга келиб, турмахонага айлантирилгани, Соҳибқирон бобомиз барпо этган ушбу обида байрам муносабати ва Президентимиз ташаббуси билан асл кўринишга келтирилгани тўғрисида баҳоли қудрат ҳикоя қилинган эди. Шу фильмни суратга олиш даврида анча кун Қашқадарёда бўлишга, одамларнинг кечаги ва бугунги юрт ҳақидаги фикрларини ёзиб олишга тўғри келди. Шунда ишонасизми, қайси одам билан суҳбатлашмайлик, уларнинг ҳар бири ички бир ҳаяжон билан Юртбошимизнинг Қашқадарёда ишлаган йилларини, ўша икки-уч йил ичида қилинган, бир қарашда ўн йиллар давомида ҳам амалга ошириш мушкул бўлган улкан бунёдкорликларни, минглаб одамларга қилинган отаоларча меҳрибонликни кўзда ёш билан тилга олишган эди. Шулардан биргинасини эсласак, тиббиётдаги "компьютер томографияси" деган мўъжиза 80-йиллардаёқ — айнан Ислом Абдуғаниевич вилоят раҳбари бўлиб ишлаган кезларда Ўзбекистонда биринчи бўлиб Қаршига олиб келинган экан. Тўғрироғи, вилоят агросаноат уюшмасининг маҳобатли биноси қайта таъмирланиб, жиҳозланиб, диагностика марказига айлантирилган. Қашқадарё меҳнаткашларининг пешона тери эвазига собиқ марказда тўпланган пулга ўша пайтдаги казо-казо корчалонларнинг қош-қовоғию иддаолари, писандаларига қарамасдан, нақ Москванинг ўзидан ундириб келтирилган томография аппарати айнан шу диагностика марказига ўрнатилган экан. Ўша йилларнинг ўзида вилоятда 44 та соғлиқни сақлаш муассасаси қурилган ёхуд буткул янгитдан таъмирланган. Шу мисолларнинг ўзи — миллатни қай даражада севишга, наинки севиш, балки унинг келажаги, зурриётлар саломатлиги йўлида қандай ҳаракат қилиш кераклигига ёрқин намуна эди, албатта. Боз яна ўйлаб қоласанки, юртимизда бугун элулус саломатлиги, соғлом миллат қайғуси йўлида қилинаётган, олам аҳли тан олиб, ҳавас қилаётган улуғвор ишларнинг бошланиши аслида ўша йиллари Қашқадарёдан бошланган бўлса, не ажаб!..

Қашқадарёда юриб, яна аниқлаганларимиз шуки, 1986 йилнинг ўзидаёқ, яъни бир йил ичида деярли барча туман ва шаҳарларда савдо уйлари ва бозорлар, фақатгина Қарши шаҳрининг ўзида эса мебеллар уйи, ёшлар маркази, ўнлаб қаҳвахона ва дўконлар, 2 та спорт зали ва сузиш бассейнлари, теннис корти фойдаланишга топширилган. 12 та аҳоли пункти эса вилоят маркази ҳудуди билан бирлаштирилиб, жами 271 694 квадрат метр уй-жой қурилган. Эътибор қилинг, бу ишлар фақатгина бир йил ичида, боз устига бугунгидек мустақиллик йилларида эмас, балки тўртта ғишт тахлаб, анчайин бир чайла қурсанг ҳам, собиқ «марказ»нинг қош-қовоғига қараладиган замонларда амалга оширилган.

Бугун эса мамлакатимиз истиқлолга эришгандан кейин нафақат Қашқадарё, балки Ватанимизнинг ҳар бир вилояти, гўшасида амалга оширилган буюк ўзгаришлар, яратувчилик ишларини санаб адоғига етиш қийин.

Ҳа, буларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб кўрсатув ва фильмлар тайёрлаш мумкин. Одина масжиди мисолида — фақат биргина эзгулик тафсилоти ҳақида фильм тайёрлаб, "Олтин қалам"дек йирик танловда совриндор бўлиш эса зиммага анча катта масъулият юклайди.

Қарздормиз...

Комилжон ШАМСИДДИНОВ,
"Ўзбекистон" телерадиоканали
"Ахборот" информацион
кўрсатувлар бош
муҳарририятининг
бош муҳаррири ўринбосари.

Фильмдаги гапларнинг давоми

"Олтин қалам" танлови ғолибларидан бири сифатида кўнгилдан кечган гапларни қоғозга тушириб бериш таклифи билдирилганда, дастлаб ичимда "Ғолиб бўлишга бўлдинг, совринни олдинг, энди "Олтин қалам" Миллий мукофоти соҳиби сифатида яна ўзингни эсга солишинг шартми?", — деган ўй кечди. Кейин ўз-ўзимга "Ахир бу — Юртбошимизга, нуфузли танлов ташкилотчиларию ижодкор дўстларимга миннатдорчилик билдириш учун яна бир қулай имконият-ку. Баҳонада вақт нуқтаи назаридан ўша фильмларга кирмай қолган мулоҳазаларни айтиб оламан-ку", деб ўйладим. Аввало қуйидаги гапларни 2 май — "Олтин қалам" мукофотининг тақдимоти куни "Туркистон" саройида айтмоқчи эдим. Лекин...

РЕСПУБЛИКА ТАБИИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



Республика газ хўжалигини 2008-2009 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида, газ тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши кўзда тутилмоқда. Шу муносабат билан "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси табиий газ етказиб берилишида вақтинчалик узилишлар эҳтимоли борлигини маълум қилади.

- Табиий газни тўхтатиб қўйилиши билан боғлиқ бўлган барча ишлар маҳаллий ҳокимият органлари билан келишилган ва туман (шаҳар) филиалларида мавжуд бўлган "Жадвал"ларга асосан амалга оширилади.
- Истеъмолчилар табиий газни вақтинчалик тўхтатиб қўйилиши ҳақида маҳаллий бошқарув органлари ёки маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали олдиндан огоҳлантириладилар.
- Ушбу ишлар истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида амалга оширилади.
- Табиий газ ҳиди сезилган ҳолларда туман, шаҳар газтаъминот корхоналарига ёки авария-диспетчерлик хизматига 04 телефон рақами орқали дарҳол хабар қилишингиз зарур.
- "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси истеъмол қилинган табиий газ учун дебиторлик қарзлари мавжуд бўлган абонентларга ўз вақтида тўловларни амалга оширишлари лозимлигини эслатиб ўтади.



"ЎЗТРАНСГАЗ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ВНИМАНИЮ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ ПРИРОДНОГО ГАЗА РЕСПУБЛИКИ !



Акционерная компания "Узтрансгаз" доводит до сведения потребителей природного газа, что в связи с проведением ремонто-профилактических работ на газораспределительных сетях в целях подготовки газового хозяйства республики к осенне-зимнему периоду 2008-2009 г. предусматриваются временные отключения природного газа.

- Все возможные отключения природного газа будут производится в соответствии "Графиков" находящихся в районных (городских) филиалах газоснабжения и которые согласованы с местными органами управления.
- Население будет заблаговременно предупреждено о возможных отключениях природного газа через органыместного самоуправления или местные средства массовой информации.
- Данные работы производятся в целях постоянного, стабильного и бесперебойного обеспечения потребителей природным газом.
- При обнаружении запаха природного газа необходимо немедленно сообщать в районный, городской филиал газоснабжения (райгоргаз) или аварийно-диспетчерскую службу по телефону 04.
- Акционерная компания "УЗТРАНСГАЗ" извещает абонентов, имеющих дебиторскую задолженность, о необходимости своевременной оплаты за потребленный природный газ.



АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ "УЗТРАНСГАЗ"

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

«АСАКА» БАНК:

Лизинг бўйича қулай имконият

Ўзбекистондаги энг йирик банклардан бири саналган «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини доимий равишда ошириб боришга ҳаракат қилмоқда. Мижозлар ишончини ошириш, қизиқишини рағбатлантириш, хизматлар сифатини янада яхшилаш банк истиқболини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади. "Асака" банк жамоаси ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда юртдошларимизга янги-янги хизмат турларини таклиф этмоқда.

Хусусан, банк хизматининг ўзига хос кўриниши бўлган лизинг ва кредит амалиётларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Мазкур операцияларни амалга оширишда банкнинг ўз маблағлари, шу билан бирга, халқаро молия институтлари ҳамда хорижий банклар томонидан тақдим этилаётган кредитлар молиявий манба сифатида хизмат қилмоқда.

«Асака» банк мамлакатимиз лизинг хизматлари бозорида етакчи ўринга эга. Банк ушбу молиявий хизмат туридан ишбилармон доиралар кенг фойдаланишлари учун бу борадаги ҳуқуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга эътибор қаратмоқда.

Банк фаолиятида лизинг амалиётлари алоҳида ўрин тутади. Лизинг хизмати банк томонидан 2004 йилдан буён тақдим этиб келинмоқда. Ўтган муддат давомида ушбу йўналишда 165 та лойиҳа молиялаштирилди. Уларнинг умумий миқдори 26,5 миллиард сўмни ташкил этади.

2008 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, лизинг портфелларининг умумий қолдиғи 165 та лойиҳа бўйича 24,23 миллиард сўмни ташкил этган.

эса лизинг олувчи сифатида иштирок этади. Лизинг олувчи Ислом тараққиёт банкига мижознинг халқаро лизинг бўйича мажбуриятларини тасдиқловчи кафолатнома юборади. Айтиш керакки, аксарият ташқи кредит линияларида экспорт-кредит агентликларининг юқори нархдаги суғуртаси асосида хизмат кўрсатилади. "Асака" банк томонидан таклиф этилаётан линияда эса банкнинг кафолати ушбу хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун кифоя қилади.

Шу тариқа лойиҳа ташаббускорлари учун замонавий технологияларни қулай ва манфаатли шартлар асосида сотиб олиш имконияти пайдо бўлади. Бу борада батафсил маълумот олиш учун "Асака" банк мутахассисига ёки Ислом тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига мурожаат қилиш мумкин.

Бундан ташқари, "Асака" банк мазкур хизмат турини такомиллаштириш йўлида бир қатор халқаро молия институтлари ва банклар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Sumitomo Mitsui banking Corporation (Япония), Eximbank of Korea, Korea Exchange Bank (Жанубий Корея), CommerzBank AG, LandesBankBerlin, DresdnerBank, Bayerische Hypo und Vereins Bank AG (Германия), Banco Santander (Испания), UBS (Швейцария) каби нуфузли банклар бу борада "Асака" банк билан ҳамкорлик қилишмоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз ҳукумати ва раҳбарияти бошқа банк йўналишлари қатори лизинг хизматларини ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу биринчи навбатда ушбу хизмат тури учун жорий этилган солиқ имтиёзларида намоён бўлмоқда. Ҳозирга қадар лизинг олувчи корхоналарга имтиёзлар беришни кўзда тутувчи бир қатор қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунга кўра, республикамизга лизингга бериш мақсадида олиб кирилган техник ускуналар божхона тўлови ва қўшимча қиймат солиғидан озод этилади. Шунингдек, лизинг олувчи ташкилотлар шартнома амал қиладиган муддат ичида лизинг объекти учун мулк солиғи ҳам тўламайдилар. Бундан ташқари, миллий қонунчилигимизда бошқа бир қатор имтиёзлар ҳам берилганки, улар бугунги кунда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам бераётган лизинг хизматини янада кенгайтириш ва такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга ишбилармон ва тадбиркорлар томонидан тақдим этилаётган илғор лойиҳаларни амалга татбиқ этиш ва миллий иқтисодиётимизнинг турли соҳаларини тараққий эттириш омили бўлмоқда.

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва уларга янги хизмат турларини тақдим этиш, аҳоли ишончини оқлаш ва банк нуфузини ошириш "Асака" банк жамоасининг асосий вазифаларидандир. Банк жамоаси ушбу хайрли мақсад йўлида самарали фаолият юритиб келмоқда. Бошқа банк хизматлари қатори лизинг хизматларини тез ва ишончли амалга ошириш ва бу билан мамлакатимиз аҳолисига яқиндан кўмак бериш, даромад келтирувчи активлар салмоғини ошириш устувор вазифа бўлиб қолаверади.

Ислом СУЛТОНОВ ®

Банк портфелларининг ўсиш динамикаси



Ривожланган мамлакатлар молия муассасаларида лизинг хизмати алоҳида ўрин тутади. Чунки бу хизмат орқали мижозларга қулай бўлган тартибда кенг миқёсдаги лойиҳаларни амалга татбиқ этишга йўл очади.

"Асака" банкнинг лизинг хизмати ҳам халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи, шунингдек, тиббий асбоб-ускуналар сотиб олиш, хизматлар кўрсатиш учун стационар бинони харид қилиш имконини беради. Умуман, қишлоқ хўжалиги ва паррандачилик, полиграфия, тиббиёт, савдо, гиламдўзлик ва бошқа ишлаб чиқариш ускуналари, махсус техника ва автолизинг, шунингдек, офис кўринишидаги мулкий мажмуалар, супермаркетлар ва бошқалар банкнинг лизинг портфелларини ташкил этади.

Ушбу хизмат турини янада кенгайтириш ва оммалаштириш, кичик бизнеснинг долзарб лойиҳаларини амалга ошириш, иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларини тараққий эттириш мақсадида 2007 йили 8 миллион АҚШ долларилик янги молиялаш линияси жалб этилди. Мазкур маблағ Ислом тараққиёт банки томонидан тақдим этилди. Ушбу линиянинг жорий этилиши мамлакатимизда халқаро лизинг ҳам ривожланиб бораётганидан далолат беради. Ушбу амалиётда Ислом тараққиёт банки лизинг тақдим этувчи, "Асака" банк мижози

"ВИКТОРИЯ"ГА ҚАРОҚЧИЛАР ҲУЖУМИ

Сомали давлати соҳилидаги ерларда Иорданияга қарашли кема қароқчилар томонидан гаровга олинди. Кемага мамлакат пойтахти Могадишога яқин ерда ҳужум уюштирилган. Қароқчилар гаровга олинган кемани шимолга томон олиб кетганлар.

Кема бортидаги йўловчилар миқдори аниқ эмас. Хабарларга кўра, улар орасида Кения, Танзания ва Осиёнинг бир қанча давлати фуқаролари бўлган.

Жаҳон озиқ-овқат дастури ташкилоти вакилининг маълум қилишича, "Виктория" деб аталган кема Сомалидан тижорий юклар, хусусан, шакар олиб кетиши мўлжалланганди.

Бу қароқчиларнинг "Виктория"га қарши уюштирган иккинчи ҳужумидир. Ўтган йили ҳам сомалилик йўлтўсарлар Марк порти яқинида кемани қўлга олиш учун ҳаракат қилган, бироқ ўшанда босқинчиларнинг омади чопмаганди.

Халқаро денгиз бюроси Сомали денгиз ҳудудида тиш-тирноғи билан қуролланган қароқчилар хуружи кучаяётганидан хавотир билдирган. Ташкилот маълумотига кўра, ўтган йилнинг ўзида кемаларга 30 марта ҳужум уюштирилган.

Африка давлати — Сомалида 1991 йилдан бери фуқаролар уруши давом этмоқда. Ушбу уруш 300 мингдан 500 мингга қадар инсон ҳаётига зомин бўлди. 2004 йили халқаро ҳамжамият кўмаги билан Сомалида янги бошқарув институтлари ташкил этилди. Бироқ янги ҳукумат ҳам мамлакатда тартиб ўрнатиш, хусусан, қароқчиликни бартараф этишга қодир эмас.

МАККА ШАҲРИ МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙДИ



Саудия Арабистонининг Маккаи Мукаррама шаҳрида 31 май куни биринчи халқаро ислом анжумани ўтказилади. Тадбир дин ва цивилизация тарафдорлари ўртасида мулоқот масаласига бағишланади.

Халқаро анжуман Саудия подшоҳи Абдуллоҳ бин Абдулазиз оли Сауд шафелигида Ислом мамлакатлари лигаси томонидан уюштирилади. Уч кунлик йиғин давомида ислом динининг муҳим масалаларига дахлдор тадқиқот натижалари эълон қилинади. Энг муҳими, анжуманда динлараро мулоқот масаласига эътибор қаратилади.

Анжуман орқали ислом динининг юксак маънавият ва маърифат воситаси, гўзал ахлоқий қадриятлар тимсоли эканини яна бир карра намоён этиш, дунё халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамфикрлиликни кучайтириш мақсад қилинган.

Унда ислом оламининг етук олимлари, нуфузли университет профессорлари, диний муассасалар раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда.

Тадбир якунида мулоқот бўйича ислом конвенцияси қабул қилинади ва дунё халқлари, турли диний, сиёсий ва маданий гуруҳларга мурожаат йўлланади.

Кузатувчилар ҳозирга қадар кўплаб халқаро анжуманлар ўтказилгани, бироқ бу галги йиғин динлараро мулоқот, келишув ва ўзаро англаш ғоясини илгари сураётгани билан аҳамиятли эканини таъкидламоқдалар.

АФҒОНИСТОНДА ЯНГИ ҚАМОҚХОНА ҚУРИЛАДИ

Пентагон Афғонистон ҳудудида йирик қамоқхона қуришни режалаштирмоқда. Янги мажмуа 40 акр майдонни эгаллайди.

Қамоқхона айни пайтда Америка авиабазаси мавжуд бўлган Баграм шаҳрида жойлашади. Озодликдан маҳрум этиш маскани 600 кишига мўлжалланади. Америка мудофаа вазирлиги вакилининг маълум қилишича, янги бино қурилиши 60 миллион долларга тушади.

Кобул шаҳри яқинидаги Баграм ҳудудида жойлашган ҳозирги қамоқхона 2002 йили авиация қўналғасини қайта жиҳозлаш асосида ташкил этилган. Айни вақтда бу ерда терроризмга алоқадорликда гумон қилинаётган ёки бошқа айблар билан қўлга олинган 630 нафар маҳбус сақланмоқда.

Жаҳон матбуотида Баграмдаги қамоқхонада қийноқлар қўлланилаётгани ва у ерда маҳбусларни ушлаб туриш шарт-шароити талабга жавоб бермаслиги тўғрисида кўпдан бери танқидий фикрлар айтилади. Янги қамоқхона ана шу танқидларни батамом бартараф этиш учун қурилаётган бўлиши мумкин.

ЭЙНШТЕЙННИНГ МАКТУБИ — КИМОШДИ САВДОСИДА



Машҳур физик олим Альберт Эйнштейн томонидан ёзилган мактуб кимошди савдосида 400 минг доллардан ошиқроққа пулланди, деб хабар беради The Associated Press. Мактубда олимнинг дин борасидаги мулоҳазалари акс этган.

Лондонда Bloomsbury Auctions компанияси томонидан ташкиллаштирилган кимошди савдоси жуда қизғин ўтган. Мактубнинг бошланғич баҳоси саккиз минг фунт стерлинг деб эълон қилинган бўлса, савдолар чоғида у 207600 фунт стерлинг (404 минг доллар)га қадар кўтарилган.

Компания вакили мактубнинг янги соҳиби номини ошкор этмаган ҳолда у назарий физикага жуда қизиққан одам эканини қайд этган.

1954 йилнинг январида файласуф Эрик Гуткиндга ёзилган мактубда Эйнштейн диний қарашларни инкор этади ва атеистик қарашларни илгари суради. Хатда яҳудий халқининг худо томонидан танланган тўғрисидаги қарашлар ҳам рад этилади.

SAMSUNG ҲАҚИДАГИ ОВОЗАЛАР АСОССИЗ



Жанубий Кореянинг Samsung компанияси ноутбук компьютерларини ишлаб чиқаришни тўхтатаётгани тўғрисидаги маълумотларни рад этди. Илгарироқ айрим матбуот нашрларида компания ноутбук ишлаб чиқаришдан тушадиган даромадини уч баробар оширмаса, 2011 йили бозорни тарк этиши ва ишлаб чиқаришни тўхтатиши ҳақида хабарлар тарқалган эди.

Компания вакилининг сўзларига кўра, Samsung 2011 йилга бориб 11 миллион дона ноутбук русумидаги компьютерларини сотишни режалаштирмоқда. Бу кўрсаткич умумий бозорнинг 5,7 фоизига тўғри келади.

Samsung компанияси овозаларни рад этаркан, ноутбук ишлаб чиқариш тизимини ёпиш режаси йўқлиги, бироқ 2011 йилдан нархлар рақобати кескин ошиши кутилаётганини билдирган. Бундан кескин рақобат муҳитида эса компания йилига 11 миллион дона мазкур турдаги маҳсулотни сота олсагина фойда қилиши мумкин.

УКРАИНА РОССИЯ УДДАЛАЙ ОЛМАГАН ИШНИ ҚИЛДИ

Украина Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш йўлидаги барча муҳим босқичлардан ўтди ва бирлашманинг 152-тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Украинанинг ЖСТга қўшилиши борасидаги шартнома Женева шаҳрида 2008 йилнинг 5 февралида имзоланганди.

Олий рада ушбу ҳужжатни жорий йилнинг 10 апрели, президент Виктор Ющенко эса 16 апрелда тасдиқлади. Шундан кейин мамлакатнинг халқаро ташкилотга расман кириши жараёни бошланди.

Украина 1990 йиллар ўрталаридан буён ЖСТ аъзоси бўлиш учун ҳаракат қилиб келади. Мамлакат бунга эришиш учун ташкилотга аъзо давлатларга савдо-иқтисодий муносабатларда бир қатор имтиёзлар ҳам жорий этган.

Украина ЖСТга кириш борасида ён қўшниси Россиядан ўзиб кетди. Ҳозирликда мавжуд қоидалар бўйича савдо ташкилотига кириш учун жиддий ҳаракат қилаётган Россия Украина билан ҳам икки томонлама музокаралар олиб бориши ва унинг кўлловини қисқартириши керак. Таҳлилчилар икки мамлакат ўртасида муносабатлар кўнгилдагидек бўлмай турган бир пайтда Киев ушбу имкониятдан Москвага босим ўтказиш учун фойдаланиши мумкинлигини тахмин қилмоқдалар.

ЖСТга кириш билан Украина ўз маҳсулотларини Европа бозорига бемалол чиқаришга умид қилмоқда. Бошқа томондан, Ющенко маъмурияти маҳаллий маҳсулотларни ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор чекловларни олиб ташлашга ҳам мажбур бўлди. Бу эса мамлакатга хориждан маҳсулот олиб кириш даражасини ўсишига ҳам олиб келиши мумкин.

ТАФСИЛОТ

"ЎҚИШНИ ИСТАМАЙМАН!"

Ғарб мамлакатларида ўқувчиларни мактабга жалб этиш учун турли усуллар ўйлаб топиляпти. Бироқ...

Дунё мамлакатлари бўйича мактаб ўқувчиларининг илмий салоҳияти, ақлий даражаси турлича. Лекин дарсдан қочишга мойиллик сайёрамизнинг барча давлатларидаги ўқувчи ёшларга хос бўлган умумий қусур дейиш мумкин. Бу борада ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасида табақаланиш ёки жиддий тафовутлар деярли йўқ; Ғарбнинг осойишта ва фаровон оилаларида ҳаёт кечираётган болалар ҳам мактабга бормасдан кўнгилочар машғулотлар билан вақт ўтказишни афзал билишади. Бироқ бугунги тараққиёт мактабдан қочишга мойил ўқувчилар ҳаётини "қийинлаштирмоқда" — бу ўринда ўқитувчиларга болаларни назорат қилишда замонавий технологиялар кўмакка келяпти.

"Ирландия мактабларида бир неча йилдан буён дарсга келмаган болаларнинг яқинларига уяли алоқа телефони орқали SMS — хабар юбориш тажрибаси амал қиляпти."

Ирландия мактабларида бир неча йилдан буён дарсга келмаган болаларнинг яқинларига уяли алоқа телефони орқали SMS — хабар юбориш тажрибаси амал қиляпти. Бунга кўра, ота-оналар интизомсиз фарзандларининг машғулотга келмаганидан зудлик билан хабардор этиладилар. Мазкур тажриба мамлакатда жуда кенг қўлланилмоқда. Қизиқ жиҳати, ўқувчиларнинг дарс қолдирганидан воқиф бўлиб туришни ота-оналарнинг ўзлари талаб қилишади. Негаки, Ирландияда фарзандлари таълим-тарбиясига эътиборсизлик учун қатъий жазо чоралари белгиланган. Агар ўқувчи мунтазам равишда дарсларга қатнашмаса, унинг ота-онасига 1000-2500 фунт стерлинг (2000-5000 доллар)гача жарима солинади. Баъзи ҳолларда эса тарбияга масъулиятсизлик билан ёндашган оила бошлиқларига уч ойлик қамоқ ҳам тайинланиши мумкин.

Буюк Британияда ҳам ўқувчиларнинг дарсга қатнови масаласида қаттиққўл сиёсат олиб борилади. Қироллиқда ота-оналарга SMS — хабар юбориш ёки уларни жаримага тортиш билан чекланилмайди. Британия полицияси вақти-вақти билан кўчаларда махсус рейдлар ўтказиб туради. Рейдларда мактаб ёшидаги болаларнинг ҳужжати синчиклаб текширилади. Ҳар йили бир неча минг қоидабузар қўлга олинади ва ўқувчиларга ҳамда уларнинг яқинларига чора кўрилади.

Ана шу қаттиққўл сиёсат натижасими ёки инглиз ўқувчиларининг қизиқиш ва интилиши шу қадар кучлими, Буюк Британия болалари дарсларда иштирок этиш бўйича олдинги ўринларда туришади. Масалан, 2007 йили 18 ёшли Мишель Бурмен бу борада рекорд натижа қайд этганди. Маълум бўлишича, 14 йиллик бошланғич ва ўрта таълим даврида интизомли инглиз ўқувчиси 2660 кунлик ўқув кунининг бирорта ҳам дарсини қолдирмаган экан!

Интернет ва компьютер марказларида қўйилаётган юз бир номдаги кўзни қамаштирувчи ўйинлар ўқувчиларни дарсдан чалғитувчи жиддий "даҳмаза"лардан бири. Ривожланган давлатлар мутахассислари ва расмий идоралар компьютер ўйинлари хуружидан болаларни қандай қилиб сақлаш масаласида бош қотиришяпти.

Германия ҳукумати айни пайтда компьютер ўйинлари қўйиш билан шуғулланувчиларга ўқиш пайтида ўз фаолиятини тўхтатиб туриш талабини қўймоқда. Бунга мувофиқ, компьютер марказлари эгалари болаларга фақатгина дарсдан ташқари вақтдагина ўйнашга рухсат беришлари керак. Қолган вақтларда болаларни чалғитганлик учун жазо берилади. Немис таълим вазирлиги вакиллари айнан дарс қолдираётган ёшлар жиноий тузилмаларга кириб кетаётганини хавотир билан қайд этади.

Америка ҳукумати эса дарсга қатновни назорат қилиш борасида янада илгарилаб кетган дейиш мумкин. Ўқувчиларнинг машғулот қолдириши олдини олиш учун таълим, адлия вазирликлари ҳамда бир қатор жамоат ташкилотчилари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Масалан, Даллас шаҳрида мактабга қатнамайдиган ўқувчиларни кузатиш учун янги GPS тизимидан фойдаланилмоқда. Мазкур тизим асосан тарбияси оғир, жиноятга мойил ва машғулотларга кам қатнайдиган болаларда синаб кўрилмоқда. Бунга кўра, назоратга олинаётган ўқувчи кийимига махсус кузатув тугмаси қадаб қўйилади. Бу орқали ўқувчининг хатти-ҳаракати, дарсларга қатнаши ва кунлик фаолияти назорат қилиб борилади.

Мазкур усул айни пайтда синовдан ўтказиляпти, лекин ҳозирданоқ мутахассислар GPSнинг ижобий жиҳатлари хусусида фикр билдиришяпти. Одатда ўқишга суяги йўқ болаларга махсус ўқитувчи тайинланади ва у ўқувчининг уйига бориб дарс ўтиб келади. Жиноят кўчасига кириб қолган ёшлар эса мажбурий таълим муассасаларига юборилади. GPS назорат усули эса мазкур жазо чораларидан кўра самаралироқ бўлиб чиқди. Боз устига, бу тизим таълим идоралари учун нисбатан арзонроққа тушар экан.

The New York Times газетаси Даллас шаҳрилик 18 ёшли Рикардо Пачеконинг тарихини келтиради. Маҳаллий жиноий гуруҳнинг раҳбари бўлган ўсмир ҳуқуқбузарлик учун судга тортилди. Маҳкама жараёнида судья ўқувчининг ёшлигини инобатга олиб, унга жазо тайинлаш ўрнига мажбурий равишда GPS назорат тизимида иштирок этиши тўғрисида қарор чиқарди. Ўсмир доимий назорат туфайли дарсларга мунтазам қатнай бошлади. Энди эса у оиласидаги мактаб аттестатини олган биринчи эркак бўлди: унинг оила аъзолари интизомсизлиги учун ўқишни тугата олмаган ёки қамалиб кетган экан.

Тадқиқотларга кўра, ривожланган мамлакатларда аксарият кичик жиноятлар дарсдан қочган ўқувчилар томонидан содир этилади. Ўқувчиларни назоратга олиш натижасида эса бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сезиларли даражада камайиши кузатилган.

Ривожланаётган мамлакатларда ўқувчиларнинг дарсларга қатновини кузатиш учун ҳали замонавий технологиялардан фойдаланиш имкони мавжуд эмас. Бу борада ота-оналар мажлиси, жамоатчилик назорати каби анъанавий усуллардан фойдаланиляпти. Лекин мутахассислар бу усуллар ҳар доим ҳам ижобий натижа бермаётганини таъкидлашади.

Дарвоқе, замонавий технологиялар болаларнинг мактабга қатновини яхшилаш баробарида таълим-тарбия жараёнига кучли салбий таъсирини ҳам ўтказмоқда. Масалан, Интернетдаги ёшларга мўлжалланган ўнлаб сайтлардан дарсдан қандай қочиш, ота-оналарга, ўқитувчиларга қандай баҳоналарни рўкач қилиш борасидаги "илғор" маслаҳатлар ва тавсияларни ўрганиш мумкин. Замонавий технологиялар омили эса таълим тизимининг муҳим муаммосини янада чуқурлаштирмоқда.

Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

НИГОҲ

ҲАМКАСБ

Иброҳим ака билан беш йиллар олдин Тошкентда бўлиб ўтган бир йиғилишда танишганман.

Ўшанда у киши Навоий вилоят «Дўстлик байроғи» газетаси бош муҳаррири эди. Иброҳим Жумаевнинг камгаплиги, менинг фикрим тўғри деб ҳамма нарсага аралашавермасдан ўзини четга олиб туриши мени ҳайрон қолдирганди. Негаки, бу хилдаги одам вилоятнинг етакчи газетасини қандай бошқарар экан, — деб ўйлаган эдим.

Инсон қадри

меҳнат ва ақл билан ўлчанади

Кўнглимдан ўтган гаплар нотўғри бўлиб чиқди. Аввал эътибор бермаган эканман, кейинги суҳбатларимиз чоғида Иброҳим акада ўз касбига эътиқод, энг гўзал инсоний фазилатлар, энг муҳими раҳбарлик салоҳияти тўлатўкис шаклланганини сездим. Ўзини шунчалик самимий, камтар ва дўст тутадики, кўп хислатларини ўзлаштиришга ҳаракат қиласан киши.

Иброҳим Жумаев Навбаҳор туманидаги Дулдул қишлоғида Облоқул ака ва Сайёра онадек илмли, маънавиятли инсонлар оиласида камол топган. Аввал қишлоқ мактабида, кейин Карманада таҳсил олди. Ўқиб ўрганишга катта иштиёқ бўлганлиги боис ўқишни Навоий педагогика институтида давом эттирди.

Талабалик йиллари Иброҳимда олий ўқув юртида қолиш ёки бошқа «ёғли» ишларда ишлаш имкони бор эди. Лекин у ёшлигидан ишқи тушган касбни танлади. Дастлаб Кармана босмахонасига ҳарф терувчи бўлиб ишга кирди. Кейинчалик «Кармана овози», «Навбаҳор тонги» каби туман газеталарида мусаҳҳиҳ, мухбир, бўлим мудири сифатида фаолият кўрсатди. Ана шу йиллардаги ижодий жараёнларда услуби шаклланди, имзоси билан танилди. Ўзининг таъбири билан айтганда «сабр ва чидам, фидойилик талаб этадиган» йўлни босиб ўтди.

Бу тажриба юқорида таъкидлаганимиздек, вилоятнинг «Дўстлик байроғи» газетасида иш бошлаганида жуда асқотди. Ўн йил ичида мухбир, масъул котиб ўринбосари, масъул котиб ва бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади.

– 1996 йилда янги нашр очиш имкони туғилди, – дейди Иброҳим ака. – «Саломатлик» деган тармоқ газетаси очдик. Уни вилоятда биринчи бўлиб ўз компьютеримизда териб, саҳифалаб, офсет усулида чоп этишга эришдик. Ҳозир уни ўғлим Илҳом бошқараяпти. Адади 6.000 нусха.

И.Жумаев кам гапириб, кўп ишлайдиган ижодкорлардан. Айримларга ўхшаб овоза қилмаса-да, ибратга лойиқ ишлар қилаяпти. Иқтисодий жиҳатдан ночор бўлиб қолган газетани оёққа турғазди. Яъни, бўлимлар компьютерлаштирилиб, ходимлар сафи кенгайди. Таҳририятга иқтидорли ёшлар жалб қилинди. Камина «Дўстлик байроғи» газетасининг 25 йиллиги муносабати билан ўтган ойда ўтказилган тадбирда иштирок этиб, ушбу нашр

вилоят аҳли ва жамоатчилиги ўртасида нечоғли нуфузли эканига гувоҳ бўлдим.

Дарвоқе, ҳамкасбимизнинг ижоди ҳақида икки оғиз сўз: деярли ҳар сонга 2-3 та мақола ёзади-ю имзо қўйишга тортинади. «Сўнгги саҳифада фамилиям турибди-ку», — дейди кулиб. Республика нашрларида мақоласига кўзимиз тушса, «Отахон ўз ташвишидан ортиб марказий нашрларга мақола ёзишга ҳам ҳафсала топибди-да», — деб қўямиз қувониб.

У ҳар битта шогирди учун жон куйдиради. Журналист ахлоқи нормаларини тушунтиришдан ҳам эринмайди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. И.Жумаевнинг очерклари кўплаб тўпламларга киритилган. Шунингдек, у киши «Меҳробдан яралган дунё», «Биринчи довон», «Навоий гулшани» каби насрий китоблар муаллифи ҳамдир.

Фармон ТОШЕВ,
Самарқанд вилоят ҳокимлигининг «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири.

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Ўзгалар ҳақига хиёнат

эртадир-кечдир фош бўлади. Бу оддий ҳақиқатни ўз вақтида англамаганларнинг кейинги пушаймони эса бефойдадир.

Бежиз “Қинғир ишнинг қийиғи 40 йилдан кейин ҳам чиқади”, — дейишмайди. Бу — доно халқимиз ҳаётида минг йиллар давомида синалиб, ўз исботини топиб келаётган ҳақиқат. Аммо бу фикрга қўшилмайдиганлар ҳам топилади. Хоразм вилояти Ўртамахсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган Азимбой Мадраҳимов ҳам ана шундай одамлар сирасидан эди.

Бироқ ўжар ҳақиқат барибир бўй кўрсатмай қолмади. 2007 йилнинг 15 январь куни А.Мадраҳимов Янгиариқ туман халқ таълими бўлими мудири бўлиб ишлаган пайтида (2005-2006 йиллар давомида) қилган сохта ишлари, кўзбўямачиликлари учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Аниқланишича, “Янгиариқ – 291 ХКМК” МЧЖ томонидан 2006 йил январь-июль ойлари мобайнида вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи инжиниринг” компанияси билан тузилган пудрат шартномасига асосан туман халқ таълими бўлимига қарашли 9-сонли мактаб 56 млн. 146 минг 330 сўмлик маблағ эвазига мукаммал таъмирланиши лозим эди. Аммо пудратчи корхона томонидан таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмасдан раҳбар Азимбой Мадраҳимов 2006 йилнинг июль ойида мактаб биносининг таъмирлаш ишлари бажариб бўлинди деб, чала битган ўқув муассасасини қабул комиссиясига тақдим этади.

2006 йилнинг 8 июль куни мактабга шахсан ўзи ташриф буюрган “таълим фидойиси” ўлда-жўлда ишларни кўриб, асабий бош чайқайди. Кейин барча айбни ўзидан соқит қилиб, мактабни таъмирлаган ташкилот раҳбарларига дўқ уради. Қурувчилар ноилож “камчиликларни 8 июлга қадар (эътибор беринг ўша куннинг ўзида) бартараф қиламиз”, – дея тилхат ёзиб беришади. Аммо камчиликлар бартараф этилмай қолиб кетаверади. Чунки бу гаплар номига, хўжакўрсин учун эди. Аслида...

Тергов-суриштирув жараёнида қинғир ишнинг барча тафсилотлари аёнлашди. Азимбой Мадраҳимовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 209-моддаси 1-қисми билан айб қўйилди. Мушук офтобга бежиз чиқмаганидек, туман маорифчиларининг раҳбари ҳам сифатсиз ва чала таъмирланган мактаб биносини бекордан бекорга «ҳаммаси зўр» — дея қабул қилиб олмаган эди-да. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ жиноий иш ҳаракатдан тўхтатилди.

Азимбой Мадраҳимов эса энг қизиғи суд залидан чиқиб, бир юмалаб вилоят Халқ таълими бошқармасига бошлиқ бўлиб тайинланади. Кишини таажжубга соладиган ҳолат. Наҳотки айби исботланиб, давлатимизнинг кечиримлилик сиёсати туфайлигина жазодан қутилиб қолган кишига мутасаддилар орани совутмай, бошқа бир нуфузли лавозимни ишониб топширишга бўлса? Бунинг устига юқоридаги қинғир иш Азимбой Мадраҳимов жиноят китобининг биринчи варағи экан холос. Унинг қолган саҳифалари орадан роппа-роса бир йил ўтгач ўқилди.

Хоразм вилоят судининг судлов ҳайъати 2008 йилнинг 7 январь куни ўн уч кишидан иборат Азимбой Мадраҳимов раҳбарлигидаги янги жиноят ишини кўриб чиқди. Судланувчи Азимбой Мадраҳимов Янгиариқ туман халқ таълими бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсатган даврда мазкур даргоҳда бош ҳисобчи бўлиб ишловчи Омонбой Юсупов ҳамда иш ҳақи ҳисобчилари М.Кошкинбоев, Д.Қаландаров, Ф.Қурбонова, С.Худойберганов, С.Қурбонов, М.Оллоберганова, Д.Бекчонова, З.Машарипова, Х.Рўзметов, З.Каримов, У.Мадраҳимовлар томонидан туман халқ таълими бўлимига қарашли таълим-тарбия муассасалари ходимлари иш ҳақи ҳисобланган, аммо Давлат солиқ инспекциясига ўтказилиши лозим бўлган даромад солиғи пуллари ходимларнинг шахсий ҳисоб варақаларидан тўлов ведомостларига кўчиришда камайтириб кўрсатилганига нима дейиш мумкин? Шу йўл билан ўзлаштирилган ортиқча пул маблағларини ходимларнинг ойлик иш ҳақларига қўшиб ёзиш орқали жиноий тил бириктирилиб, талон-торож қилишган экан шаввозлар!

Наҳотки, бюджет маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг раҳбарлари бюджет маблағларидан ноўрин, қаллоблик билан фойдаланса, сохта маълумотли ҳужжатларга имзо чексалар, ўғри бўл, қароқчи бўл инсоф билан бўл деганлар. Ахир, бу ишлар қип-қизил ноинсофлик эмасмиди?!

Яна шу аниқландики, Азимбой Мадраҳимов ва бош ҳисобчи О.Юсупов қинғир ишларини хаспўшлаш учун туман солиқ инспекциясига тақдим этган ҳисоботларида даромад солиғини 14 млн. 369 минг 100 сўмга камайтириб кўрсатиб, солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаган. Бундан ташқари, туман халқ таълими бўлимига қарашли таълим-тарбия муассасалари ходимларига тўланган аванс пулларини ой якунидаги ҳисоб-китобларда ушлаб қолмаслик ҳисобига ҳосил қилинган 6 млн. 364 минг 900 сўм ортиқча пул маблағларини ходимларнинг иш ҳақларига қўшиб ёзишган. Кейин ойлик маошлар ортиқча ҳисобланиб юборилибди деган баҳона билан ўз чўнтакларини қаппайтиришган. Энг ачинарлиси “От изини той босар” деган нақлга амал қилиб, Янгиариқ туман халқ таълими бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсатган кейинги раҳбарлар Тоҳир Авазов ва Шоназар Хўжаевлар ҳам Азимбой Мадраҳимовнинг айбларини яширганлари етмагандек, ўзлари ҳам текин даромад пайига тушишади.

Т.Авазов 11 миллион сўмдан зиёд, Ш.Хўжаев эса атиги 4 ой ичида 6 млн. 112 минг 700 сўмлик маблағни бир гуруҳ ҳамтовоқлари иштирокида ўзлаштириб юборади. Гаразгўйлик билан ўз манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб, такроран расмий ҳужжатларни қалбакилаштиришда фуқароларнинг қонун йўли билан қўриқланадиган, шунингдек давлат ва жамоат манфаатларига зарар етказишда А.Мадраҳимов ва унинг издошларига бош ҳисобчи О.Юсупов ва иш ҳақи ҳисобчилари Давронбек Қаландаров билан Музаффар Кошкинбоевлар бекаму кўст ёрдам бериб, жиноят ишига тенг шерик бўлишган. Судда гувоҳлик берган Хоразм вилоят назорат-тафтиш бошқармаси ҳодими Султонбек Ҳайитбоев – Янгиариқ туман халқ таълими бўлимида ҳаражатлар сметасининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилганда жами 38 млн. 472 минг 100 сўм миқдоридаги маблағ ноқонуний равишда ўзлаштириб юборилган ва мазкур сумманинг 20 млн. 734 минг сўми А.Мадраҳимов ишлаган даврга тўғри келишини таъкидлади.

А. Мадраҳимов бу ҳисобчиларнинг чалкашликка йўл қўйгани ва ўзининг 200 га яқин ҳужжатларга эътиборсизлик билан имзо қўйиб беравергани оқибати дея айбини хаспўшлашга уринса ҳам тергов жараёнида жаноб А.Мадраҳимовнинг барча жиноий кирдикорларига ойдинлик киритилди.

Судлов ҳайъати судланувчилар жиноятларини мансаб ва хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир қилишгани сабабли уларни қўшимча жазо чораси сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилди.

Улар томонидан етказилган зарарлар ҳамда давлат ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган солиқлар тўлиқ қопланди.

Бугун жиноятчиларнинг эл-юрт олдида юзлари шувут. Нафси уларни шу кўйга солди.

Дарҳақиқат, нафсини тийган инсонгина улуғ мартабаларга лойиқ. Зеро, нафс шундай ўпқонки, уни жиловлай билиш, аввало киши тарбиясига, унинг ақл-идроки ва виждони тозалигига боғлиқ. Ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий ёзади: “Нафс кетига тушган – нафсоният манзилидагина тўхтайди. Умрни ғанимат бил, соғлик ва омонликка шукр қил.”.

Ушбу пурмаъно сўзлар ҳаммамиз учун ибратдир. Чунки қонун барчага баробар, жиноят эса ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
“Ҳуррият” мухбири.

КИНОЯ

Ишламаган тишлайди,
ишлаган олқишлайди.

Маҳмуд САТТОРОВ йўллаган.
Тошкент шаҳри

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Бахт қўрғони

“Оила — табиатнинг шоҳ асаридир”, деган эди донолардан бири.

Суратда: *Тўра Алимардонов оила аъзолари билан*

Дарҳақиқат, жамиятнинг мустаҳкамлиги, ҳаётнинг нурлилиги оила тинчлиги, тотувлигига боғлиқ. Илк синовлар, турмуш йўлидаги турли машаққатлар ва ҳар қандай ички ва ташқи таъсирларни енгган оилагина аҳил ва бахтли бўла олади. Оила аъзоларининг бир-бирига бўлган ўзаро меҳр-муҳаббати, ҳурмати бу муқаддас даргоҳнинг мустаҳкамлигига замин яратади.

Термиз шаҳрининг шундоққина биқинида, қуёшчиқар тарафдаги Янгиобод маҳалласида истиқомат қиладиган Тўра ака ва Дилафрўз опа Алимардоновлар оиласи ҳам ана шундай оилалардан. Бу оиланинг меҳнатсеварлиги, қавму қариндошга, кўни-кўшнига бўлган илиқ муносабати ҳақида маҳалланинг етти ёшидан етмиш ёшигача тўлқинланиб гапиради. Биз ҳам улар билан суҳбатлашар, кўнгил дарвозаларидан мўралар эканмиз, юқоридаги ҳақиқатнинг гувоҳи бўлдик. Айни кунларда Дилафрўз опа вилоят суд ижрочилари департаментида ишлаётган бўлса, Тўра ака вилоят хўжалик судида меҳнат қилиб келмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида Тўра Алимардоновнинг олиб бораётган адолатли ишлари ҳам таҳсинга сазовор.

Улар уч нафар ўғилни тарбиялаб вояга етказишмоқда. Оилада отанинг ўрни беқиёс, эркак кишини оиланинг устуни, деб бекорга айтишмайди. Тўра ака эрта тонгдан оқшомга қадар идора иши билан банд бўлса-да, фарзандлар тарбияси ҳамда уларнинг ўқиши ва юриш-туришини кузатиб боришни доимо ўзининг бурчи деб билади. Тез-тез болалари таълим олаётган мактабнинг ўқитувчилари билан учрашиб, уларнинг камолоти борасида суҳбатлашиб туради. Ота-она учун фарзандлар бахти, уларнинг камолини кўришдан олийроқ бахт бўлмаса керак. Шу боисдан Дилафрўз опа ҳам жигаргўшалари тарбиясига алоҳида эътибор билан қарайди, уларни оқ ювиб, оқ тараш билан бирга ватанга содиқ инсонлар бўлиб етишишларини ўйлайди.

— Мен учун оила ҳамма нарсадан устун, — дейди Дилафрўз опа. — Баъзида ишдан кечикиб қолсам, болаларимнинг атрофимда чопқиллаб юриши, уларнинг шодон кулгуси кўз ўнгимдан айланаверади. Шу заҳоти уйга қайтгим, уларни бағримга босгим келади. Инсон қанчалар оиласига меҳр қўйса, унинг қадри ҳам шунчалар баланд бўлар экан.

Ҳа, орамизда бу каби тинч-тотув, меҳри қайноқ оилалар жудаям кўп. Уларнинг бахтини кўриб, ҳавас қиласан киши.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай чинорнинг кўрки, қуввати унинг илдизларига боғлиқ. Оилада тинчлик, тотувлик барқарор бўлса, фарзандлар ҳам ана шу аҳилликдан баҳраманд бўлиб улғаядилар.

Шерали ҚОДИРОВ,
“Ҳуррият” мухбири.

ОҒРИҚ

Қалтис ташланган бир қадам

Бу йигит ўзини таништиргач, “Ака, мен СПИД касалига йўлиққанман”, деганида, бир чўчиб тушдим. Ўзимни узоқроқ тутишга ҳаракат қилгандим, у эса вазиятни англагандек: “Кўрқманг ака, қўл бериб кўришганда, телефондан фойдаланганда, бирга овқатланганда, ҳатто бир ҳовузда чўмилганда ҳам юқмайди”, деди. Унинг бу гапларидан бироз таскин топган бўлсам ҳам, барибир: “Менда нима иши бор экан-а?” деб безовталандим. У ўйларимни ўқигандек: “Бошимдан ўтганини гапириб берсам, газетага чиқарсангиз, токи бошқалар бу йўлдан вақтида қайтсалар”, деб ҳаётини ҳикоя қила бошлади:

— Мактабни битириб, ҳеч қаерга ўқишга топширмадим. Ота-онам савдода ишлар, менинг ҳам қанотларига киришимни хоҳлашар эди. Шундай ҳам бўлди. Савдодан бўш пайтларимда чўнтагимга уч-тўрт сўм солиб, ўртоқларим билан улфатчиликка ўргандим. Улфатчиликлардан бирида улар аввал ўзлари, сўнг менинг томиримга укол қилишди, роса “мазза” қилдик. Хуллас, яна бир марта, кейин яна... Шу тариқа бутунлай нинага ўтириб қолдим. Дўкондаги пулларга ўғриликка туша бошладим. Ота-онам сезиб қолиб, мени савдога йўлатмай қўйишди. Улар ишда бўлган пайтлари уйдаги нарсаларни арзон-гаровга сотиб, “оғу” учун сарфладим. Ҳамма нарсанинг чегараси бўлади, деганларидек, пул ҳам тугади, улфатлар ҳам изсиз йўқолди. Гиёҳвандликка муккамдан кетган эканман, “дори” тополмай уч кун ғужанак бўлиб ётиб қолдим. Шундан кейингина ота-онам нима гаплигини тушуниб етишди. Мен эса энди уларни ёмон кўрардим. Агар мени уришиб, керак бўлса, уриб йўлдан қайтаришганида, бу аҳволга тушиб, умрим хазон бўлмасмиди? Афсуски, ота-онам нуқул бойлик кетидан қувар, ҳеч нарса билан ишлари йўқ эди.

Анча даволандим, лекин тобора ҳолсизланиб, оғриқлар кучайиб бормоқда. Ҳар куни тонгда туриб, ҳол-аҳвол сўрагани кирган жажжи фарзандларимни кўриб, Худога нола қиламан: “Ўлим, бироз шошмай тур, болаларимнинг дийдорига тўйиб олай”.

Маълумотларга қараганда, бугунги



Бугунги кунда дунё бўйича 68 миллиондан ошиқ инсон ОИТС касаллигига чалинган.

кунда дунё бўйича 68 миллиондан ошиқ инсон ОИТС касаллигига чалинган экан. Афсуски, бу рақамнинг кундан кунга ўсиб бораётгани ташвишланарли ҳол. Шифокорлар ҳам менга ўнлаб тақдирлар ҳақида гапириб беришди...

Аввалбек билан Сайрамхонлар ҳам икки қиз, икки ўғил кўришди. Каттлари қиз бўлгани учунми, тўй ҳаракати ҳам жуда эрта бошланди.

Куёвликка муносиб кўрилган йигит ва Гулмаъсуда расмий никоҳдан ўтиш учун ариза беришди. Шаҳар поликлиникасида тиббий кўрикдан ўтишди, аммо натижа кўнгилсизлик билан тугади. Гулмаъсуда ОИТС касаллигига чалинган экан.

Куёвга ҳам “Бўлажак турмуш ўртоғингиз касал, у узоқ даволаниши керак, сиз, яхшиси, бошқасига уйланинг”, деб айтишди. Ҳамма жанжал эса мана шундан кейин бошланди.

Ҳар иккала томон тўйга кетадиган харажатларни қилиб бўлган эди. “Нега касал қизингни бизга раво кўрдинг”, деб куёв томон қизнинг ота-онасининг кўзини очирмади. Ҳаммасига Гулмаъсуданинг енгилтаклиги сабаб эди. Бу қиз ёшлигиданоқ кўчани яхши кўрарди: дугоналари билан ўз маҳалласи қолиб, қўшни маҳаллалардаги тўйларга ҳам боришни канда қилмас, у ерда йигитлар билан рақсга тушишга, кайфичоғлик қилишга суяги йўқ эди. Шундай кунларнинг бирида бир йигит билан танишиб қолди. Аввалига кўча-кўйда, кейин кафеда учрашиб юришди. Аста-секин у билан ичишни ҳам ўрганди. Бир куни кайфи ошиб, номаълум жойда йигит билан тунаб қолди...

Шундан сўнг, йигит Қозоғистонга ишлаш учун кетиб қолган экан. Дўхтирлар қизнинг қандай касалликка чалинганини айтишганида, у даҳшатга тушди. Наҳотки, атиги бир мартагина бўлган яқин алоқадан шундай касалликни орттириш мумкин бўлса? Лекин қиз бу касаллик ҳақида умуман тушунчаси бўлмагани учун “Бир ой даволансам, тузалиб кетарман”, деб ўзини юпатди. Афсуски... Қани энди, унинг давоси бўлса, уни даволашнинг имкони бўлсайди...

Хўш, ОИТС қандай касаллик ўзи?

ОИТС деб аталган бу хасталик асосан икки даврга бўлинади, яъни одам организмида иммунитет танқислигини келтириб чиқарувчи вирус (ОИВ) ва ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми).

ОИТС — одам организмида иммунитет танқислигини келтириб чиқарувчи инфекциянинг якуний давридир. Бунда организм ҳар қандай касалликка бардош бериш хусусиятини йўқотади.

Айтишларича, инфекция юққан дастлабки даврларда одам ўзини соғлом ҳис этади. Касалликнинг яширин даври 8-10 йил ҳисобланади. Лекин барибир ОИВ инфекцияси даври ОИТС даврига албатта ўтади.

Вирус инфекцияси юққан одамнинг қонида, эркакларнинг шаҳватида, аёлларнинг жинсий аъзолари чиқиндиларида ва кўкрак сутида бўлади. Шунинг учун ҳам вирус қуйидаги ҳолларда сўзсиз юқади: қон орқали, жинсий алоқа орқали ва инфекция юққан онадан ҳомилага ўтиши мумкин.

Бу касалликни қандай даволаш мумкин, деган савол бутун жаҳон шифокору олимларини ўйлантириб турган муаммодир. Ҳозиргача бирорта фойдали вакцина ишлаб чиқилмаган. Дунёда ОИТСга қарши кураш чоралари кўрилмоқда, афсуски, талафот кўпайса кўпайдики, асло камайгани йўқ.

Мақолани ёзар эканман, мен билан суҳбат қурган йигитнинг “Ўлим, бироз шошмай тур...” деган сўзлари хаёлимда айланаверди. Кўчага чиқдим, қуёш чарақлаб турибди, дарахтлардан маржон-маржон тутлар тўкилган. Ўриклар тилла рангига кириб қолган. Табиатнинг бетакрор гўзаллигини ич-ичимдан ҳис этдим. Ҳаммага умр тилагинг келади бу дунёда, ҳаммага бахт улашгинг келади. Қанийди...

Ҳамид НОРҚУЛОВ,
“Ҳуррият” мухбири.

Шарқ ҳаёти, дини, тарихини мукаммал ўрганган исломшунос немис олимаси Анни Мария Шиммел хоним ўз тадқиқотларида қадимги Бухоро шаҳрига таъриф бераркан, бу кўҳна диёрни Аллоҳ кўрпасининг бош қўядиган жойи, деб атайди. Ғарб олимасининг таърифи ҳақиқатдан узоқ эмас.

Ўтмишимиз оҳанрабоси

нафақат юртдошларимизни, балки бутун дунё аҳлини ҳам ўзига жалб этмоқда

Бу ҳақиқатни Бухорои шариф заминига қадам қўйишингиз билан эътиборингизни ўзига жалб этган манғитлар сулоласининг еттинчи ва охирги амири Саййид Олимхоннинг баҳайбат ва мўъжизавий саройига кўз ташлашингиз ҳамон англайсиз.

Нафас сайин кескин ўзгаришлар содир бўлаётган бизнинг замонамизда илк деворлари эрамиздан олдинги IV асрда қурилган, узоқ асрлар мобайнида неча бор тикланиб, неча бор бузилган, кўҳна дунёнинг серғалва, нотинч, шунингдек, сурурли йилларини хонақоҳ ва равоқлари қатига яширган тош қалъани чинакам мўъжиза дейсиз. Кўҳна сарой остоналари сомонийлар, салжуқийлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, ниҳоят манғитлар сулоласининг шоҳ ва аъёнларини бирин-кетин кутиб олиб, кузатишдан ҳоригандай туюлади гўё.

Ердан 16-20 метр баландликда тикланган қалъага кўтарилишингиз ҳамон, дарвозахонадаёқ бошланган ҳунармандчилик ва амалий санъат ашёларининг икки томонлама савдо расталари, гавжум сайёҳларнинг ҳайрат тўла нигоҳлари, салқин ва шинам муҳит сизни тобора юқорига тортади. Бироз юриб, яланглиққа чиққанингиздан кейин, сизни очиқ, баҳаво, кенг майдон қаршилайди. Шу ердан сарой шаҳарчасининг сокин ва сервиқор гўшалари бошланади. Қаёққа қараманг, эски тўртбурчак пишиқ ғиштлар, катта қайроқ тошлар дид билан ястанган.

XX аср бошида бу ерда уч минг киши истиқомат қилгани қайд этилган. Амир ва унинг аҳли аёлларига аталган кенг, баланд, ҳашаматли хоналар, ҳар куни 300-400 кишилик мулозим ва амалдорларнинг амир билан кўришишларига мосланган саломхона, турли тантаналар уюштириладиган, усти очиқ кўринишхона, кўрикчи ва ясовуллар учун махсус хоналар, отхона, кийим ва гиламлар йиғилган омборхоналар, катта-кичик учта мачит, маҳбуслар учун зиндон, оғир жиноят содир этганлар сақланадиган зах ва чуқур канахона, ошхона ва заргарлик дўконлари — хуллас, ҳамма-ҳаммаси эгасининг мавқеига қараб ўз ўрнини топган. Ичма-ич, лабиринт услубга яқин қурилган иморатлар орасида ёлғиз адашиб қолишингиз тайин. Мен канахона тепасидан пастга эгилганча хаёл сураётган аёлни гапга тутаман.

— Самарқандниng Пастдарғом туманидан Розия Бекмуродова бўламан, — дейди 40 ёшлар атрофидаги кўҳликкина жувон. — Бугун мен бу ердан бир умрга етарли таассуротлар олдим, десам тўғри бўлади. Бухоро аркида юрсангиз, шу хоналарда бир пайтлар яшаганлар билан бирга нафас олаётгандай, саройнинг асл эгалари рўпарангизда пайдо бўладигандай туюлар экан. Бухорога меҳмон бўлиб келган эдим, келаси сафар, албатта, болаларимни ҳам олиб келаман.

Амирнинг улкан кўшки — тахти равони ўрнатилган баҳайбат кўринишхона XVII асрда қурилган. Пурвиқор тахтни 1669 йилда нуроталик ғазғон мармари усталари ясаган. Бу ерда минглаб сарой аъёнлари йиғилиб, манғит подшоҳлари анъанасига кўра амирни оқ кигизга ўтқазиш маросимини уюштирганлар. Шу куни катта байрам қилиниб, мушку анбарлар тутатилган, ноғоралар чалинган. Кигизга ўтқазиш тантанаси ниҳоясида амир ўз халқи, мамлакати фаровонлиги йўлида амалга оширмоқчи бўлган ният ва режаларини ошкор этган. Масалан, солиқларни камайтириш, маҳбусларнинг маълум тоифасини озодликка чиқариш ёки қурилиш ва экин-тикин билан боғлиқ режаларини кўпчиликка маълум қилган. Кўринишхона остонасида "ғуломгард" деб аталувчи махсус девор тикланган. Амир ҳузуридан чиқаётган одам то шу деворга орқаси тақалмагунча ўгирилмаслиги лозим эди. Акс ҳолда амирга ҳурматсизлик саналган. Ҳажми 30 Х 30 метрли, икки ойнали катта хазина ҳам шу кўринишхонанинг ертўласида жойлашган.



Бундан ташқари, саройнинг нуфузли аъёнлари, қушбеги, ясовулбоши, тўпчибоши, табиблар, заргар, уста меъмор ва пазандалар ҳам оилалари билан арк ичкарисида яшаганлар. Қалъа қурилиши лойиҳаси ўта пишиқ ишланган. Отхонада Амир учун 15-20 дан ортиқ зотдор отлар парвариш қилинган, ювинди ва чиқиндилар махсус оқава йўли орқали зиндон хоналарига, маҳбуслар устига қуйилган.

Бухоро амирлигининг икки қаватли мирзахонаси ҳам бўлиб, бу ерда ходимлар бомдоддан шом намозига қадар хизмат кўрсатишган, тундагина аркни тарк этишган.

Бугун бу тарихий иншоот мажмуаси **Бухоро давлат бадиий-меъморчилик кўриқхонаси** деб аталади. Бу ерга келувчиларнинг кети узилмайди. Зиёратчиларнинг аксарияти хорижлик сайёҳлар.

— Мен Жанубий Кореянинг Че жудо оролидан келдим, — дейди ўзини Чанг Хван деб таништирган сайёҳлардан бири. — Бу ерларни айланиб, юртингизнинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси ниҳоятда улканлигига амин бўлдим. Бу ноёб ёдгорликларга боқиб ана шу ҳақиқатни англаш қийин эмас.

— Дунёнинг турли бурчакларидан бу ерга кунига тахминан 200-300 нафар сайёҳ ташриф буюради, — дейди тарих фанлари номзоди, тарихий обида бош директори Роберт Валиевич Альмеев. — Айрим сайёҳлар қўл билан ишланган нодир ашёларимизга соатлаб тикилади, ўзаро муҳокама қиладилар. Аммо минг афсуски, ўз ҳамюртларимизнинг ҳаммаси ҳам бу бебаҳо санъат намуналари, ёдгорликларнинг қадрига етавермайди. Ҳозир биз экспонатларнинг табиий кўринишини имкон қадар узоқ йиллар сақлаш йўллари устида бош қотираяпмиз.

МОЗИЙ

Умумий майдони 8320 квадрат метрни ташкил этувчи музей кўриқхонамизнинг жами 94 та зали бор. 73 мингдан ортиқ асосий фонд экспонатларимиз мавжуд. Амир ва сарой аҳлининг турмуши учун зарур ашё ва жиҳозлар: кийим-кечак ва тақинчоқлар ўз даврида Россия, Хитой, Туркия, Испания, Япония, Эрон давлатларидан келтирилган. Бу осори атиқалар жами экспонатларимизнинг бир қисми, холос. Вилоятимиз миқёсида музей-кўриқхонамизнинг яна 12 та филиали иш юритиб турибди. Улар: Бухоро амирининг ёзги қароргоҳи — Ситораи Моҳихосадаги халқ амалий санъати, Абдулла Тўқай кўчаси 70-уйда жойлашган Файзулла Хўжаев уй музейи, шаҳримизнинг Нақшбанд кўчасидаги Абдурауф Фитрат музейи, Кўкалдош мадрасасидаги Садриддин Айний ва Жалол Икромий музейлари ҳужралари, Когон тумани Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуидаги Нақшбандия тариқати музейи, Пешку тумани Афшона шаҳарчасидаги Абу Али ибн Сино мемориал уй музейлари шулар жумласидандир. Мазкур музейларимиз ўз кўргазмалари орқали қадим ва бугунги Бухоронинг ривожланиш босқичларини, жаҳон цивилизацияси, маънавий маданияти ва диний қадриятларига қўшган ҳиссаси ва ҳозирги кунда эришган ютуқларидан ҳикоя қилади. Марҳамат, келинглар, томоша қилинглар, ҳафтанинг ҳар чоршанбасидан ташқари бошқа барча кунлари музей залларимиз ишлаб турибди. Бизнинг даргоҳнинг ўз оҳанрабоси бор, унга бир шўнғисангиз, чиқиб кетишингиз қийин. Бухоро давлат бадиий меъморчилик кўриқхонаси — кўриб баҳра олишга, фарзандларингиз, яқинларингиз давра сида муҳокама этиб, маълум сабоқ ва ҳикматлар чиқаришга арзирли энг муносиб маскандир. Мурожаат учун телефонлар: 8-365-224-13-49, 224-13-66.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
«Ҳуррият» мухбири. ®

САБОҚ

Боболарнинг билгани

Уйнинг сири кўчага чиқса, осмон узилиб тушгандай бўлади. Холмамат бобо ва Холида момо бу ҳолатни яхши билади. Икки йил олдин кенжа ўғиллари Абдулҳамиднинг қизи Ҳалимахонни ўзи топган, севган йигитига тўй бериб узатдилар. Куёв обрў-эътиборли оиланинг фарзанди эди. Йигитмисан-йигит, топармон-тутармон экан.

Аммо кутилмаганда Ҳалимахон қудаларни ёмонлаб келадиган одат чиқарди. Улар ҳақида турли нопок гапларни айтар, номларини ёмонга чиқаришга ҳаракат қиларди. Айниқса, унинг юришturишида, ўзини тутишида манманлик кўзга ташлана бошлади. Ҳалимахоннинг ёлғон-яшиқ гапларига ишонган ота-онаси ҳам, кўни-қўшнига куёв томонни ёмонлай бошлади.

Дала-қирни сел, одамзотни эса ёмон гап бузади, дейишади. Одатдаги кунларнинг бирида куёв томон келиннинг ота-онасиникига келди. Уларнинг кайфияти жойида эмасди. Бир пиёладан чой ичилгандан сўнг куёвнинг отаси одоб билан сўз бошлади:

— Майда-чуйда, миш-миш гапларга ўрганмаганмиз. Қизингиз келин бўлиб тушганидан буён тинч-тотувлигимизга раҳна тушди. Маҳаллада биз ҳақимизда ҳар хил ёмон гаплар тарқалди. Одамлар олдида бош кўтаролмай қолдик. Суриштириб билсак, ҳаммасига қизларингиз сабабчи экан. Ноилож, сизларнинг олдингизга маслаҳатга келдик, ўзимиз бирон чора кўрайлик десак, келинимизнинг ҳомиласи бор.

Айни ана шу гап-сўз устига Ҳалимахон куёв билан келиб қолди. Даҳанаки жанг бошланди.

Шунда тўқсонга кирган Холмамат бобо:

— Тўхтанглар, уят-андиша борми сизларда? Бу қандай бемаънилик ўзи. Бу одамларга раҳмат айтиш ўрнига, нега уларни ҳақорат қиляпсизлар? Улар «бор-е» дейишлари ҳам мумкин эди. Набирам жаннатда яшагандай ҳаёт кечиради. Нега ўзларингизга боқмайсизлар? Бизда ҳам нуқсон, айб борми-йўқми деб ўйлаб кўрсаларинг бўлмайдими деб ўз ўғли ва келинига танбеҳ берди.

Жанжал тўхтади.

Холмамат бобо жаҳл устида яна сўзини давом эттирди:

— Болаларим, «талоқ» сўзини эшитганда, Арши аъло ларзага келар экан. Отасиз бола ўстиришнинг ўзи бўладими? Болаларим, сизлар ҳам ота-онасизлар, набирамнинг оиласи бузилишига айбдор бўлманглар. Мусулмончиликда увол деган сўз бор. Бола етим қолса, уволи уради. Айб бизда, набирамизнинг манманлиги, худбинлигида. У нодон, оила "ҳокимият"ини қўлга олмоқчи бўлган.

— Отажон, биз ғўр эканмиз. Сиз ҳақсиз, айб бизда. Учта қиз узатганмиз, уларнинг турмуш тарзи билан Ҳалимахонники ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Лекин улар қудалардан ҳам, эрларидан ҳам хафа эмаслар. Уларни ёмонламайди, — деди ўғил. Ҳалимахоннинг онаси ҳам турмуш ўртоғининг гапларига қўшилди.

— Қизим, — деди Ҳалимахоннинг отаси. — Бундан буёғига яхши гап бўлса айт, ёмон гап бўлса олиб келмагин.

— Ҳа, ана энди ўзларингизга келдиларингиз, — деди Холмамат бобо, танганинг ҳам, таёқнинг ҳам икки томони бор. Ўра билан қопнинг бир-биридан фарқи ҳақида эшитгансизларми? Ўрага сиринги айтсанг, ҳеч ким эшитмайди, дейдилар. Ер ютади, ўра ютади. Оғизни эса қопга ўхшатадилар. Набирам яхши муҳитнинг қадрини билмасдан, унинг қурбони бўлишига оз қолди. Худонинг ўзи бизни бу хатодан сақлагани рост бўлсин.

Ҳалимахон ҳам ўз айбига иқрор бўлди ва кечирим сўради.

Холмамат бобо бўлса:

— Кўзимнинг нури, қизалоғим, ҳеч маҳал оғиз кўргонини унутма. Бизга келганингда эмас, балки бошқа жойда ҳам буни асло эсингдан чиқарма, — деди тортишувга якун ясаб.

Ҳа, ҳаёт тажрибаси, уддабуронлик, кексалар ўгитининг таъсири, энг муҳими, ҳаммалари бир-бирини тушуниб бир оила сақлаб қолинди. Кексаларнинг ҳаёт йўли, аслида, бизларга сабоқдир.

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ

ҲА-ЁТ!

ЗАРАРЛИ БИОТЎЛҚИНЛАР

ёки сўкиниш ўзини ўзи заҳарлаш билан тенг эканлиги ҳақида

Бутун коинот, жумлаи жаҳон Яратганнинг биргина "Бўл!" деган сўзидан пайдо бўлган. Зеро, Сўз мўъжизаси ҳам Аллоҳ томонидан инсонга берилган энг буюк туҳфалардандир. Инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи, уни маънавий комилликка етакловчи восита эса унинг забонидир. Шунинг учун ҳам шармсиз сўзларни айтмоқ ва одамни беқадр қилмоқ энг катта гуноҳлардан бири ҳисобланади.

Лекин, минг афсуски, кундалик турмушимизда сўкиш, сўкиниш ҳоллари тез-тез учраб туради. Энг ёмони, бу нарсага анчайин бепарвомиз. Масалан, кўчаларда, ишда, ҳатто оилада, бола-чақалар олдида бўлса ҳам бир-бирини бўлмағур сўзлар билан ҳақоратлайдиган кишилар кам эмас. «Ҳой, банда, сўкинма, уятли, бешарм сўзлардан сақлан, бу — гуноҳ! Қолаверса, ёш болалар сендан ўрнак олиб, бадахлоқ бўлиб вояга етади», дейдиган мард топилмайди. Аслини олганда-ку, яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади.

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Икки йигит жанжаллашиб, (жанжалга пул ўлгур сабаб бўлган бўлса керак) бир-бирини ёмон сўзлар билан ҳақорат қила бошлади, айниқса, биринг оғзидан жуда ёмон, бешарм сўзлар чиқиб кетди. Буни эшитган шериги ғазаб отига миниб, ўртоғининг қорнига пичоқ санчди. Ҳаммамиз даҳшатдан ёқа ушлаб қолдик. Минг афсуски, пичоқ еган йигит касалхонага етиб-етмай жон берибди. Қўрқяпсизми, оғиздан чиққан биргина қўпол сўз охир-оқибат бир инсоннинг бошига етди.

Олимларнинг таъкидлашича, одам танаси мунтазам равишда атрофга биотўлқинлар тарқатиб туради. Фақат энг замонавий асбоб-ускуналар ёрдамидагина уни пайқаш, сезиш ва ҳатто... кўриш мумкин экан! Тадқиқотлар натижаси жилмайиб турган одамдан оқ, асабий, бировлар билан сўкишаётган кишидан эса қора рангдаги, яъни зарарли биотўлқинлар тарқалишини исботлаб берган. Демак, бировни ҳақорат қилаётган киши энг аввал қайсидир маънода ўзини заҳарлаётган бўлади.

Яна бир қизиқ факт: тиббиётда бирор сўзни ҳам айта олмайдиган, ҳатто умуман гапиришни билмайдиган одамнинг куракда турмайдиган сўзлардан иборат бутун-бутун жумлаларни бемалол талаффуз қила олиши ҳоллари тез-тез учраб турар экан. Бу соҳада шифокорларнинг ҳам, руҳшуносларнинг ҳам фикри деярли бир хил: уят сўзлар миядан нутқ органларига бутунлай бошқа асаб толалари орқали ўтар экан. Кошки, ўша толаларни ҳам яхши сўзларни айтиш учун хизмат қилдиришнинг имкони бўлса!

Уришаётган одамлар башараларини буришtириб-тиришtириб, кўзларини олазарак қилган ҳолда "жанг"га киришадилар, ва албатта, ножоиз сўзлар билан бир-бирини ҳақорат қилиб, сўкинишади, лекин бу шайтоннинг иши эканлигини эса ҳар доим ҳам эслайвермайдилар.

Шайтоний сўзлар ёвуз кучдир. Минг йиллардан буён улар инсонлар қалбини васвасага солиб келади.

Мария Ветрова "Тасвир" ҳафтаномасида бундан бир икки йил олдин бўлиб ўтган даҳшатли воқеани келтирганди. Журналист йўли тушиб, Москванинг эски ибодатхоналаридан бирига кирган экан. Якшанба куни ибодат тугагач, ота-оналар чақалоқларини чўқинтиришга олиб кела бошлабди. Ҳамма гўдаклар жимжит, фақат битта гўдак — 2-3 ойлик ўғил бола овози борича бақириб-чақириб додлаверибди. Чўқинтириладиган тоғорадаги сувга бадани тегиши билан бола тинчланиш ўрнига катта одамлардай дўриллаган овозда "Ёниб кетаяпман", — деб ўкирибди-да, инсон вужудини титратадиган жирканч сўзлар билан сўкина бошлабди. Тоғорага учинчи маротаба ботиришгандан кейингина, қалтираб-титраб жимиб қолибди. Маълум бўлишича, ўша боланинг ота-онаси муттасил равишда сўкиниб, қарғаниб гапирар экан.

Билмадим, бу воқеанинг рост ёки ёлғонлиги муаллифнинг виждонига ҳавола ку-я, аммо дунё беҳисоб сир-синоатларга тўла эканлиги аниқ. Онасининг қорнидаёқ ёмон сўзлар билан "озиқланган" гўдак яхши инсон бўлиб етишмаслиги шубҳасиз.

Шунинг учун ҳам сўкинишга қарши қадим замонлардан бери курашиб келинади. Ҳатто бозорларда ва кўчаларда ёнларига аскарлар олиб юрган мансабдорлар оғзига «оқ ит кириб, қора ит чиқадиган» сўконғичларни ўша жойнинг ўзида ушлаб олиб, кўпчиликка ибрат бўлиши учун хипчин билан савалашган.

Ҳамма динлар, шу жумладан, муқаддас ислом дини ҳам одамларни сўкинишдан, ҳақорат қилишдан эҳтиёт бўлишга чақиради.

Тадқиқотлар натижаси жилмайиб турган одамдан оқ, асабий, бировлар билан сўкишаётган кишидан эса қора рангдаги, яъни зарарли биотўлқинлар тарқалишини исботлаб берган.



Донишманд Кайковус ўзининг "Қобуснома" асарида ўғли Гилоншоҳга шундай насиҳат қилади: *"Агар комил инсон бўлмоқ истасанг, фаҳш (ифлос) сўзлар айтмоқдан парҳез қилгил"*. Юқоридагиларнинг барчаси қўпол, бешарм сўзлар инсонни тубанликка етаклашидан далолат беради.

Шу ўринда одамнинг жаҳли чиққанида, қаттиқ асабийлашган чоғида миллионлаб асаб ҳужайраларининг ўлиб кетиши ва ана шу ҳужайралар ҳеч қачон бошқа тикланмаслиги тиббиётда ўз исботини топганлигини эслаб ўтиш ўринлидир. Демак, инсон асаб толаларини умри давомида турли "ади-бади"ларга сарфлаб юборар экан. "Асабни сақланг, жаҳлингиз чиқмасин", — деган ўгиту насиҳатларга амал қилишни эса сира ўйламаймиз. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозир кўпчилик одамлар жуда асабий, дилгир бўлиб қолган. Дунё кетидан қувиб, бутун ҳаловатини йўқотиш ҳам асабий зўриқишларни оширгандан ошириб бориши сир эмас. Бундан ташқари, айрим кишиларнинг маънавий жиҳатдан у қадар юксак эмаслиги ҳам бошқаларни ҳадеб ҳақоратлаши, ўзгаларни майна қилиш, устидан кулиш, ҳатто жисмоний жиҳатдан куч ишлатишига, яъни уришига ҳам олиб келади. Муқаддас динимиз ислом динида бежиз ҳалоллик ҳақида, одамларни бир-бирига меҳрибон ва ширин каломли бўлиши ҳақида айтилмаган. Сўкиниб гапириш, ёмон сўзларни ишлатиш қаттиқ қораланган. Бу борада Пайғамбаримиз расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам барча мўминларга ибратдирлар. Уларнинг нақадар камтар, самимий, халим, очиқ юзли ва меҳрибон киши бўлганликлари маълум.

Аммо бугунги айрим кишилардаги такаббурлик, виқор, кибр ва қўполликни кўриб ёқа ушлайсан. Ё тавба, булар қандай одамлар ўзи, қайси жойда тарбия олган экан, — деб ўйлаб қоласан.

Шу ўринда яна бир ҳаётий кузатув: баъзи бир хонадонларда эндигина тили чиққан болага ота-оналари, ҳатто бобо-момоларигача эркалаб: "Қани, болам, бир сўкиб қўйчи", "Қани бир ҳе... деб қўйчи", дея гўдакни "гапиртириш"га ундашади. Болакай улар айтганини қилиб соқовланиб сўкинса, бундан роса мазза қилиб кулишади. Демак, биз билиб-билмай сўкишни болаларимизга гўдаклигиданоқ ўргатиб қўярканмиз.

Дарвоқе, бир бутунликнинг олий намунаси бўлган "космос" сўзи юнончада "гўзаллик" деган маънони билдирар экан. Гўзалликка ҳам, унинг Яратувчисига ҳам сўз орқали етишилади. Демоқчи бўлганимиз, кишилар бахтли бўлишлари, ширин турмуш кечиришлари учун, аввало, қиладиган ишлари ҳам, айтадиган сўзлари ҳам гўзал бўлиши керак, назаримизда.

Суюн КОРАЕВ,
профессор.

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ!

Икки қўй ва бир эчкини ютган илон





Суратдаги баҳайбат илон Қашқадарё вилояти Нишон туманидан топилган. Айтишларича, унинг узунлиги қарийб 10 метр, йўғонлиги эса тахминан одамнинг белича келади. Бу ҳақида бизга хабар бериб, илоннинг суратини газетамизнинг электрон почтасига юборган муштарийимиздан ҳодиса тафсилотларини суриштирдик.

— Бундай баҳайбат илоннинг борлиги ҳақида аввалдан чўпонлар айтиб юрарди, — дейди Қовчин қишлоғилик Икром Панжиев телефон орқали. — Отабек деган ўртоғим икки-уч йилча олдин қўй боқиб юриб, зовур бўйида шундай катта илонни кўрганини сўзлаб берганди. Ўшанда оғайним қўрққанидан ҳушини йўқотган экан. Шундан сўнг, унинг айтишича, сочи бирданига оқариб кетган. Лекин илон негадир унга тегмаган. Шу пайтгача ҳамма асосан баҳайбат илоннинг буғдойзор ва тупроқ йўлда қолдирган изини кўришар эди.

Одамларнинг айтишича, илон чегара-сим тўсиғига яқин бориб қолиши натижасида ток уриб ўлган. Унинг рангли ва ксеракопия қилинган суратлари уч юз сўмдан минг сўмгача қўлма-қўл бўлиб сотилаяпти. Шунинг орқасидан анча-мунча пул қилганлар ҳам бўлди. Текширилганда, илоннинг ичидан иккита қўй ва битта эчки чиқибди.

Иномжон АБДИЕВ

МАДАНИЯТ

Шўх шамол янглиғ чопар умрим шитоб

ШЕЪР ВА ШУУР

Тўлан Низом,
Ўзбекистон халқ шоири

ИЛТИЖО

Менинг шеърим керак одам ўқисин,
Англамаса, ёлғон гапни тўқисин.
Бўҳтон селин ёғдирса гар устимга,
Булбул келиб тилларидан чўқисин.

Йиғларимни чин ошиқлар тингласин,
Юрагимда муҳаббатни англасин.
Бу тентак, деб сўзларимдан кулса ким,
Унинг қалби ўтмас бўлсин, зангласин.

Фарёдимни эшитсин жумла-жаҳон,
Қўлда қалам, тилда шеърим, бағрим қон.
Ишқим – Ватан, Ишқим – тупроқ,
Ишқим – Халқ,
Дўстим эса дунёдаги ҳақ Инсон.

КЎНГИЛ ДАФТАРИ

Сен дарди йўқ кўзингдан ёш тўкмагил,
Йиғлатмагил, сен ёшимга чўкмагил.
Нолон кўнгил чок-чокидан сўкмагил,
Таъна қилма, эр бошимни букмагил,
Варақлама, дафтаримни кўчирма.

Бир дард ўртар, жисмим аро изтироб,
Қўйилганми ўювчи ўткир симоб,
Ой ўтар, йиллар ўтар айлаб хароб,
Шўх шамол янглиғ чопар умрим шитоб,
Жон қушим – бу каптаримни учирма.

Кўз ҳам толди, кута-кута мен ҳамон,
Интизорлик ошди-ю, қийналди жон,
Дўст деган душманимдан кўрдим зиён,
Душманимни менга дейсан меҳрибон,
Дўстларимга душман заҳрин ичирма.

Сўйганимга жафо қилсам мабодо,
Дўстларимни кўролмасам дамо-дам,
Ҳам узатган қўлим қолса ҳавода,
Ва имоним бут бўлмаса зиёда,
Аллоҳ, шу дам жонни олгил, кечирма.

ШЕЪР АЙТГИМ КЕЛЯПТИ, ОНАЖОН

(Туркумдан)

Рост гап, фақат сиғинаман Онамга,
Она берган мўъжизакор оламга,
Олам берган бу муқаддас қаламга...

Онам ўтиб кетди ёруғ оламдан,
Мен ушлаган бу муқаддас қаламдан –
Эдга сўзлаётир барҳаёт Онам.

* * *

Қаро тун тарқалур, нур яқин,
Жисмимни куйдирар бир чақин,
Соғинчдан юрагим зўр оқин,
Ларзага келтириб кўк тоқин –
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Суратинг ҳеч кўзимдан кетмас,
Дод десам-да овозим етмас,
Ер-кў бориб хабарим айтмас,
Дардим битмас, шеърларим битмас,
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Мозоринга ўтқаздим бир гул,
Эртаю кеч йиғлаб турар ул,
Бош кўтаргил, унга қараб кул,
Шохларига қўнсайди булбул,
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Қолдим баъзан ғам ичра нолон,
Шунчалар ҳам тормикан жаҳон,
Кўнгил оғрир, жигарим ҳам қон,
Садо қилмас ер билан осмон,
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Отам ўтди кўрмай рўшнолик,
Ундан мерос – дўстлик, ошнолик,
Отасизлик – аччиқ ташналик,
Ота бўлиб йўлга бошладинг,
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Бола эдим, кетмонни олиб,
Далаларга чиқдим йўл солиб,
Кечда қайтдим чарчаб ва толиб,
Сўнг ром этди, шеър экан ғолиб!
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Навоий тушимга кирди бир неча қур,
Бобур кўз олдимда тик, мағрур.
Машраб деди: юр, мен билан юр,
Қулларимдан тутди Миртемир,
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Кўп шаҳарлар кездим сарсари,
Андижоним эмасди бари,
Фарғона ҳам юртлар сардори,
Деган эдинг менга илгари,
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Келин кўрсам, деб айтган эдинг,
Набиралар ғамин ҳам единг,
Бош ўғлимни, бу Бунёд дединг,
Кичкинасин бу Озод дединг,
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Сенга ўхшаш одам бормикан,
Она каби ҳамдам бормикан,
Она номли зўр ғам бормикан,
Онасиз ҳам олам бормикан,
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Сенсан мададкорим, Сен – кучим,
Эзгуликка тўлган бор ичим,
Ҳеч кимга йўқ ҳасадим, ўчим,
Шеърга битмоқ фарзандлик бурчим,
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

СПОРТ

ҚИЗИҚАРЛИ, АММО НОКАУТСИЗ

Мексиканинг Дуранго шаҳрида бокс жанги ўтказилиб, унда 52,2 кг. вазнда жаҳон чемпиони Кристиан Михарес (WBC) ва Александр Мунос (WBA)лар голибликучун мушташишди. Учрашув қизиқарли ва шиддаткорона руҳда ўтди. 12 раунд давом этган

мазкур олишувда Кристиан Михарес ғалаба қозонди. Шу ўринда учрашувнинг сўнгги раундларида ҳар икки боксчида ҳам рақибини нокаутга учратиш учун қулай вазиятлар кўп бўлди. Аммо спортчиларнинг ҳеч бири бундан унумли фойдалана олмади. Учрашувдаги ғолибни аниқлаш ҳакамларга қолди. Ва уларнинг иккитаси Кристиан Михаресни (116-111, 115-112) кучли деб топган бўлса, учинчи ҳакам Александр Муносга кўпроқ овоз беришни тўғри деб баҳолади.

ЯНА ШАРАПОВА БИРИНЧИ

19 май куни Бутун жаҳон теннис ассоциацияси рейтинг жадвалини эълон қилди. Унда россиялик теннисчи Мария Шарапова 4181 очко жамғарган ҳолда, сарбонлик қилмоқда. Шунингдек, жадвалда кучли бешликдан Елена Анкович, Ани Иванович (иккиси ҳам сербиялик), Светлана Кузнецова (Россия) ва Серена Уильямс (АҚШ)лар ўрин олган.

РОНАЛДИНЬОГА ҲАМ ҚИЙИН



Испаниянинг "Барселона" футбол клуби президенти Хуан Лапорта бразилиялик ярим ҳимоячи Роналдиньони жамоадан кетишига қарши эмаслигини маълум қилди. – Роналдиньо жаҳондаги энг яхши футболчилардан бири эканлигини ҳамма билади. Агар у бошқа жамоада тўп суришни хоҳлаётган бўлса, ҳеч ким унга норозилик билдирмайди,– дейди клуб президенти журналистлар билан мулоқот чоғида.– Бугун уни яхши спорт формасида деб бўлмайди. Шундай экан, ҳозирча Роналдиньо бизга керак эмас.

Ҳақиқатан ҳам, бразилиялик футболчи Испания чемпионати доирасида ўтказилган 38 учрашувнинг атиги 13 тасида майдонга тушган. Табиийки, бу жамоа ва клуб раҳбарларини қониктирмайди. Яна бир гап: агар "Барселона"ни амалдаги бош мураббий Франк Райкард тарк этадиган бўлса, унинг ўрнига Жозе Моуриньо ҳам Рафаэл Бенитес ҳам эмас, балки жамоанинг собиқ ўйинчиси Пеп Гуардиоло эгаллаши мумкин.

Умид ДЎСТҚОБИЛОВ
тайёрлади.

ЎЗЛИК

Зиё истаб зиёратга чоғландик

Кўнгилга ғашлик чўкади, баъзан. Дунёнинг кажрафтор оҳангларига мослашиб бораётган вужудга қарши қалб бир исён кўтаради. Руҳиятнинг саркаш ғалаёнларини эса тоза иймоннинг шаффоф зиёларигина тиндирмоғи мумкин. Бу нур кўнгилга поклик, қалбга ишонч, руҳга эса ором бағишлай олади. Ота-боболаримиз "Зиёратдан зиё топгайсан" дейишганда шуни назарда тутишгандир, балки. Яна улуғ аждодларнинг қабрларини зиёрат қилиб, руҳи покларига бағишлаб "Қуръон" тиловат қилишнинг-да савоби бисёр.

Қашқадарё воҳасининг тоғли Китоб туманида Ҳазрати Башир (айрим манбаларда Бешир дейилган) номи билан юритиладиган зиёратгоҳ бор. Уни маҳаллий аҳоли "Кичик ҳаж" дейишаркан. Бу ҳақда эшитганимиз, ўқиганимиз бор эди. Ҳар тугул, зиёрат илинжида шу масканга борадиган бўлдик.

"ҲАЗРАТ БАШИР КИМ ЎТГАН, БОБО?"

Тошлоқ кўчалардан ўтиб борар эканмиз, димоқларга тоғнинг хуш ҳавоси урила бошлади. Ҳайбати юракка ғулғула солгудек баланд тоғнинг шундоққина ёнбошида, ҳай-



қириб оқаётган дарёнинг четидаги боққа кирдик. Сўридаги қуроқ ёстиққа ёнбошлаб ўтирган мўйсафид (кейинроқ билсак, бу отахон 84 ёшли Мадихон ота Саидов экан)ни суҳбатга тортдик. Бутун умри шу тоғлар орасида ўтган отахон Ҳазрати Башир ҳақида ўз билганларини ички бир ихлос билан сўзлаб бера бошладилар.

Ҳазрат ота-онаси кексайиб қолган пайтда дунёга келиб, она сутидан бенасиб улғайгани учун ҳам халқ уни Башир (форс-тожикча сўз, ўзбек тилига "Сутсиз" деб таржима қилиш мумкин) дер экан. Тўлиқ исмлари Ҳазрат Султон Саид Аҳмад Али Башир бўлиб, баъзи манбаларда келтирилишича 1368-1464 йилларда Китобда яшаб ўтган. Салкам авлиё даражасидаги бу инсон илоҳий бир заковатга эга бўлган, дейишади.

Мадихон ота тоғнинг нақд юрагидаги Қизилқош дегич жойга ишора қилиб, "Ривоятларга кўра, Мирзо Улуғбек ўз аскарлари билан шу тоғларга келган пайти Ҳазрат Баширдан нималарга қодирлиги ҳақида сўрабди. Улар тошни сандиққа айлантирган экан. Ўша сандиқтош шу қоя туриб-ди", деди.

ТЕПАЛИКДАГИ МАҚБАРА

Зиёратгоҳ дарвозасидан кираверишда йўл бошлаб бораётган тоғлик йигит тепаликдаги мақбарани кўрсатди. Ҳазрати Башир бобомизнинг тупроқлари шу ерда экан. Замонавий усулда қурилиб, тепаликка қадар кўтарилган зинапоялардан чиқиб, мақбарага кирдик. Эшик тўғрисида Ҳазратнинг хоклари, унинг чап томонидаги қуйироқда жойлашган қабрда эса хизматкорлари кўмилган. Унг томонда ҳам иккита қабр бўлиб, бунда ўғиллари ўзларининг васиятларига кўра дафн этилган.

Юзимизга фотиҳа тортгач, зиёратгоҳнинг раҳбар ўринбосари Ғайрат ака Ҳайитов бу маскан 1997 йил туман ҳокимлиги томонидан эски лойиҳа сақланган ҳолда қайта таъмирдан чиқарилганлиги, аммо мақбаранинг чинор

дарахтидан ясалган устунлари асрлар оша ҳали ҳамон бинони кўтариб турганини алланечук ҳайрат билан гапириб берди. Ҳақиқатдан ҳам, мақбаранинг ички қисмидаги бу устунлар яна асрлар давомида кишиларни ҳайратга солиб туражагини айтаётгандай мустаҳкам ўрнашиб турибди.

ҲАР ГИЁҲИ БИР МЎЪЖИЗА

Мақбаранинг ёнидаги кимдир ниҳоллигида қийшайтириброқ экиб кандек ёнбошлаб ўсган арчага кўзимиз тушди. Йўлбошловчи йигит изоҳлай бошлади: "Ҳазрати Башир ҳов анави тоғнинг чўққисидан туриб, муридларига "қўлимдаги ҳассани улоқтираман, қаерга тушса, мени ўша ерга дафн этинглар", – дея васият қилган экан. Айтишларича, бу арча Ҳазрат отган ўша ҳасса эмиш."

Унга диққат билан разм соламан. Дарҳақиқат, мўъжизани эслатувчи бу дарахтнинг танаси суқиб қўйилиб, йиллар ўтгач дарз кетган эски таёққа ўхшайди. Ажабмаски, Аллоҳни юракдан суйган инсоннинг ҳассаси ҳам униб, дарахт бўлган бўлса...

ДАРДЛАРГА ДАРМОН ИСТАБ...

Нимқоронғу горга кирганимизда аввалроқ келган зиёратчилар ёқиб қўйган пиликларнинг хира нурлари липпиллаб турарди. Айлана шаклида ўйилиб, ўртада устунга ўхшаш девор қолган бу жой чиллахона дейилар экан. Бу ерга нафақат юртимизнинг чекка-чекка туманларидан, балки қўшни давлатлардан ҳам дардмандлар даво, фарзандсизлар фарзанд тилаб келишлари ниятларининг ижобатини Яратгандан сўрашар экан.

Биз ҳам эзгу орзу-умидларимизнинг рўёбини тилаб, зиёрат қилдик.

"ЙЎЛГА НАЗАР ТАШЛАНСАЙДИ"

Бу маскан гўзал табиат манзаралари билан ҳам зиёратчиларга хуш ёқса ажабмас. Қадамжо Китоб тумани ҳокимлиги томонидан қайта таъмирлангач, бугунги дилтортар кўринишга эга бўлгани аён. Ҳар нечук, зиёратгоҳнинг доимий эътиборда эканлиги қалбида иймони бор ҳар бир кишини шаксиз қувонтиради. Аммо, узоқ жойдан келган айрим зиёратчилар билан суҳбатлашганимизда қишлоққа кираверишдаги автомобиль йўлининг ўнқир-чўнқир тошлоқ эканлиги кўнгилни андак хира қилишини иймонибгина айтиб ўтишди. Демакки, юрт фаровонлиги йўлида хизмат

қилаётган туман мутасаддиларининг эътибори шу кўчаларга ҳам тушса, кўпларни хурсанд қилар экан. Зотан, зиёратга келаётган кишилар беморми, кўнглига тасқин топмоқ илинжидаги инсонми барчаларининг йўлини равон қилган кишиларнинг-да савоблари савобларга сабаб бўлар, назаримизда.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Ҳуррият" мухбири.

РИШТА

Хоразмда "Ўзбекистон –Ҳиндистон дўстлик кунлари" бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Сканд Ранжан Тайал ва бир гуруҳ ҳиндистонлик меҳмонлар иштирок этдилар.

Лазги ва хатха муштараклиги

Меҳмонлар, аввало, Урганч шаҳридаги марказий майдон мажмуи билан танишиб, буюк бобокалонимиз Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди. Хоразм вилояти маънавият ва маърифат марказида "Ўзбекистон – Ҳиндистон дўстлик муносабатлари" мавзусида ўтказилган илмий семинарда элчи жаноблари Хоразмда терини ошлайдиган қўшма корхона ташкил этиш учун Ҳиндистон сармоясини жалб этиш масаласига алоҳида урғу берди.

Бундан ташқари, Хоразм олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар анъанавий тарзда математика, информатикага қизиқиши, уларга юқори малакали ўқитувчилар зарурлиги, қўшма магистрлик дастурларини ташкил қилиш, информатика фани ўқитувчиларини ITEK дастури бўйича Ҳиндистонга малака оширишга юбориш, талаба алмашинишни йўлга қўйиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шу куни жаноб Сканд Тайал ва унинг ҳамроҳлари "Авесто" боғида Лаъл Баҳодир Шастрий номидаги ҳинд маданий маркази ва хоразмлик санъаткорлар иштирокидаги маданий-маърифий дастур гувоҳи бўлишди.

– Мен доим ўзбек халқида ҳинд халқига нисбатан ўзгача меҳр борлигининг гувоҳи бўлиб келганман, – деди элчи жаноблари дастур аввалида. – Худди шундай ҳинд халқи ҳам ўзбек халқи билан илк дўстона ришталарга эга. Бизнинг муносабатларимиз узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Иккинчи куни меҳмонлар Хивада "Ичон қалъа" музей-қўриқхона обидасини зиёрат қилиб, Хоразм Маъмун академияси фаолияти билан танишдилар. Шаҳардаги "Хива" ўйингоҳида маданий-маърифий, кўнгилочар дастурлар меҳмонлар ҳукмига ҳавола қилинди.

Бахтиёр МАҲМУДОВ,
"Хоразм истеъдоди" газетаси мухбири.

РАССОМ ХАНДАСИ

— Бир арзим бор эди...
— Марҳамат, келинг.

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган.

ДОНОЛАР ВАҚТ ҲАҚИДА

Ҳар бир ишни орқага сурма, чунки у иш сендан кейин осонлашиб қолмайди.

ЖАН ПОЛЬ

Мен ҳамиша бўш пайтларимда кўпроқ банд бўламан.

ЦИЦЕРОН

Наҳотки!

Реклама кўринишидаги материаллар фақат тижорат мақолалари эмас, балки ижодий нўноклик учун ниқоб ҳамдир.

Иброҳим НОРМАТОВ,
журналист.

HURRIYAT
О'збекистон Журналистлари
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими – А-2.
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун – 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ, Шерзод ҒУЛОМОВ
Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: 236-23-13, 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 Тел-факс: 233-36-02.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Бухорода – 8-365-715-30-57
Самарқандда – 8-366-233-62-12
Сирдарёда – 8-367-374-81-53
Сурхондарёда – 8-376-335-10-22
Тошкентда – 8-370-76-21-934
Фарғонада – 8-373-225-80-58
Хоразмда – 8-362-226-20-80
Қашқадарёда – 8-375-221-78-50
Қорақалпоғистонда – 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ
Топшириш вақти – 21.00
Топширилди – 23.15
® – тижорат белгиси.
Буюртма – Г-454 Адади: 7020 1 2 3 4 5 7 8